



«YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

VATANPARVAR



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini skaner qiling.



2021-yil 6-avgust, №31 (2938)

MAXSUS-TAKTIK O'QUV MASHG'ULOTLARI

▶▶ 4-5

Ushbu sonida:


- "MILLIY ARMIYAMIZDAGI MUHIT MENI XURSAND QILADI" • ILG'OR TAJRIBALARNI QO'LLASH • "MEN HAMMANI SEVAMAN" • YOZGI OLIMPIADA O'YINLARI • QO'QON XONLIGINING BOSHQARUV TIZIMI VA HARBIY MANSABLARI



TAJRIBA VA MAHORAT O'Z SO'ZINI AYTGANDA

▶▶ 6-7

Insoniyat aql va tafakkur jabhasida juda ko'p yutuqlarni qo'lga kiritdi. Ilm-fan va texnika taraqqiyotida u nimalarni ixtiro etmadi deysiz? Bular bilan har qancha maqtansak, arziydi. Bashariyatning yana bir yutug'i borki, bu ming yildirki jonivorlarni o'ziga bo'ysundirib, u bilan yaqin do'st, sadoqatli hamroh tutinib kelmoqda...



▶▶ 8

Mudofaa vazirligi tizimiga oid so'nggi yangiliklar bilan quyidagi manzillar orqali tanishing:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ИҚТИСОДИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 август куни жорий йилнинг биринчи ярмидаги иқтисодий натижалар таҳлили ҳамда йил якунига қадар ҳудудлар ва тармоқларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Биринчи ярим йилликда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 6,2 фоизга ўсгани қайд этилди. Бунга, асосан, саноат 8,5 фоиз, инвестициялар 5,9 фоиз ва хизматлар ҳажми 8 фоизга ошгани ҳисобига эришилган. Инфляция даражаси 10,9 фоизни ташкил этган.

Шу даврда жами 200 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу соҳадаги юқори ўсиш суръатлари кон-металлургия, тўқимачилик ва электр энергияси тармоқларида, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қузатилган.

Бунга, аввало, иқтисодиётнинг бир маромда ишлаши ҳамда ташқи бозорларда конъюнктуранинг яхшиланиши эвазига эришилган. Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашда давлат ресурслари ҳам ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурслар ажратилган бўлса-да, ҳали жойларда қўрилган натижа бўлмаётганини таъкидлади.

Ҳудудий саноат ҳажми Сирдарё вилоятида 41 фоиз, Хоразмда 33 фоиз, Наманган ва Сурхондарёда 24 фоиз ўсган. Бироқ бу кўрсаткич катта имкониятларга эга Фарғона вилоятида атиги 1,2 фоиз ва Тошкент вилоятида 4,6 фоизни ташкил этган.

Умуман, биринчи ярим йилликда 110 та ҳудудий саноат корхонасида ўтган йилдагига нисбатан 2,2 триллион сўмлик маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилган.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида биринчи ярим йилликда 5 минг 246 та лойиҳа

амалга оширилган. Лекин уларнинг саноат ўсишида ўрни сезилмаётгани, бунга масъул ҳоким ўринбосарлари корхоналар билан яқиндан иш олиб бормаётгани қайд этилди.

Ҳисобот даврида мамлакатда жами 53 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14 фоиз ошган.

Йиғилишда 9 ой ва йил якуни бўйича иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Иккинчи ярим йилликда йирик тармоқ корхоналарида 86 триллион сўмлик, ҳудудларда 142 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши бунда муҳим омил бўлади.

Масалан, шу даврда тўқимачиликда 15 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш ва 1 миллиард 700 миллион долларлик экспорт қилиш имконияти бор. Ёки электр техникаси тармоғида экспортни 348 миллион доллар, чарм саноатида 251 миллион долларга етказиш мумкин.

Шунингдек, ҳудудларда «драйвер» бўлган соҳаларни ривожлантириш, кичик ва ўрта корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бош вазир ўринбосарларига ишга туширилган лойиҳаларни жойига чиққан ҳолда, батафсил ўрганиб, тўлиқ қувватда ишлашига қўмаклашиш бўйича топшириқ берилди.

Маълумки, охириги беш йилда қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президентнинг 30 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Кўшимча ер майдонлари фойдаланишга киритилиб, имкониятлар

кенгайтириш. Соҳа учун субсидиялар ажратилди. Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишида кластер тизими жорий қилиниб, уларга шу йилнинг ўзида 6 триллион сўмдан зиёд кредитлар берилди.

Лекин бу соҳада натижадорлик кутилгандек эмаслиги, ишга солинмаган имкониятлар кўплиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ўтган йилги даражада сақланиб қолган. Деҳқончилик йўналишида маҳсулот етиштириши камайган.

Чунки ҳосилдорлик ўзгармаяпти, айрим маҳсулот турлари бўйича эса пасайиб кетмоқда. Чорвачилик ва паррандачилик йўналишидаги ишлар ҳам қониқарли эмаслиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига талаби ошиб бораётгани, ишлаб чиқариш ҳажми ўсаётган талабни қондириши зарурлигини таъкидлади.

Иккинчи ярим йилликда маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Йиғилишда хизматлар соҳаси таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, шу йил 11 май куни «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинган эди. Ҳудудларда хизматлар турини кенгайтириш ва сифатини оширишга қаратилган лойиҳаларга кенг йўл очилди.

– Давлат томонидан имконият яратиб берилди. Одамларимиз

ҳам ҳаракатчан, меҳнатсевар. Энди хизматлар соҳасида кескин ўзгариш қилиш керак. Бу янги иш ўринлари ташкил этишнинг энг арзон йўли. Қишлоқларда хизматлар қанча кўпайса, сифат ҳам ошади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш учун биринчи босқичда 7 та тижорат банкига 1 триллион 575 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бунинг ҳисобидан ҳудудларда 2 минг 400 та лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Натижада 2020 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан хизматлар кўрсатиш ҳажми 18 фоиздан кўпроқ ошди. Айниқса, Сирдарё, Андижон, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бу борадаги кўрсаткич юқори бўлди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни давом эттириб, йил якунига қадар соҳада 415 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мумкинлиги айтилди. Бўш турган бино ва ер майдонларини тадбиркорларга бериш, ўзини ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш бу борада катта имконият экани қайд этилди.

Транспорт вазирлигига янги йўналишлар ташкил этиб, жамоат транспорти етиб бормаган 1 минг 113 та маҳаллани қамраб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасида Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ҳисобот берди.

Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича 9 ой ҳамда йил якунига мўлжалланган аниқ режалар ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

Saylov – 2021

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

2021 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ҳарбий хизматчилар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан «Сайлов қонунчилиги, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш» мавзусида назарий ва амалий, ўқув услубий тадбир ўтказилди.



Тадбирда депутатлар Тўлқин Каримов, Таваккал Чориев ҳамда Зангиота тумани халқ депутатлари кенгаши котибияти мудири Нигора Халходжаева ва ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Дастлаб депутатлар янги таҳрирда қабул қилинган

Сайлов кодекси ҳақида маълумот берди, кейинги босқичда эса ҳарбий институтда ташкил этилган сайлов участкаси ҳолати, моддий-техник база билан етарлича таъминланганлиги, сайловчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечириб, ўзларининг тавсияларини берди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сўнгги 5 йилликнинг муҳим жараёнидир. Сайлов ёшидаги юртдошларимизнинг ушбу жараёнда фаол қатнашиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш устувор вазифамиз, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Каримов. – Бу ерда ташкил қилинган сайлов участкаси сайловнинг шаффоф ва камчиликларсиз ўтказилиши учун шай ҳолатга келтирилган.

Тадбир сўнггида ҳарбий хизматчилар сайлов тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ



Сухбатдошимиз шоир Нодир Жонузок – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси.

– Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси сифатида мазкур кенгаш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши – халқ ва армияни боғлаб турувчи ўзига хос кўприк, десак тўғри бўлади, назаримда. Бу кўприк, айниқса, бугун мамлакатимизда барча соҳаларда янгиланишлар кетаётган ва ислоҳотлар халқ хоҳиш-иродаси асосида амалга оширилаётган бир паллада муҳим аҳамият касб этади. Чунки миллий армия деганимиз қандайдир мавҳум тушунча эмас, у она халқимизнинг суюкли фарзандларидан ташкил топган ва унинг бош мақсади Ватанимиз тинчлигини, элимизнинг хотиржамлигини химоя қилишдир. Шундай экан, оиламиз ва жамиятимизда бўлгани каби армиямизда ҳам бизга минг йиллар мобайнида куч-қувват бағишлаб келаётган миллий кадрларимиз, эзгу анъаналаримиз руҳи устувор бўлиши лозим. Яъни ҳарбий либос остида Жаллолидин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуг аждодларимизга шараф келтирган ватанпарвар, садоқатли юрак уриб туриши керак. Жамоатчилик кенгаши аъзолари халқимиз тийнатидаги ҳаётбахш фазилатларни Ватан химоячилари онг-шуурига сингдиришга, бугунги кунда мудофаа тизимида амалга оширилаётган янгиланишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга бел боғлаган. Ушбу кенгаш таркибидан таниқли ижодкорларнинг ўрин олгани ҳам бежиз эмас. Эл-юрт хурматини қозонган, халқимиз орзу-умидларини теран ҳис қиладиган ижод аҳли ўз иқтидори, ижодига суянган ҳолда, таъсирчан услублар орқали миллий армиямизнинг руҳий қувватини оширишга, маънавий-маърифий кадрларимизни кенг тарғиб қилишга хизмат қилади. Президент қарори асосида тасдиқланадиган ушбу нуфузли кенгашга аъзо бўлиш ҳар бир инсонга, ижодкорга ғурур ва масъулият ҳиссини бағишлайди.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги шодиёналари остонасида турибмиз. Бу кам муддат эмас. Ўтган даврга назар ташлаш асносида миллий армиямиздаги ўзгаришларни кузатиб, кўнглингиздан нималар кечади? Умуман олганда, Қуролли Кучларимизнинг бугунги салоҳиятига қандай баҳо берасиз?

– Сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучлар тизимида

ҳам жиддий янгиланишлар юз берди. Мудофаа соҳасига катта маблағ йўналтирилаётгани, ҳарбий-техник воситалар ва қурол-яроғларнинг мунтазам янгиланиб борилаётгани – масаланинг бир томони. Энг асосий жиҳат – миллий армиямизда муҳит, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий ҳолати ижобий томонга ўзгаргани кишини хурсанд қилади.

Яқинда Қуролли Кучлар академиясида бўлиб ўтган бир тадбирда мудофаа вазири фахр

хизматчилар орасида истеъдод эгаларининг борлиги, уларга алоҳида эътибор берилаётгани жуда яхши. Улар ўз сафдошларига ижобий таъсир ўтказди – ўқув даргоҳларида, ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий муҳитнинг юксалишига беминнат ҳисса қўшади.

– Ёшларга бугун катта ишонч билдириляпти. Шу боисдан ҳам уларнинг таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёш авлод қачонки ватанпарвар, миллатпарвар бўл-

чумчуғини ҳам соғинасан, қўмсайсан! Ҳар қанча кўп пул топмагин – бу неъматни сотиб олиб бўлмайди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари юзма-юз учрашувларда, мулоқот жараёнларида ана шундай ҳаётий мисоллар орқали, қолаверса, бадиий адабиёт, санъат кучидан фойдаланиб ёшлар орасида ватанпарварликни тарғиб қилишга ҳаракат қилияптилар...

– Ижод – яратиш дегани. У маънавиятга таъсир қилувчи

«МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗДАГИ МУҲИТ МЕНИ ХУРСАНД ҚИЛАДИ»

билан бир мулоҳазани айтди:

«Бугунги курсантларимиз буйруқларни шунчаки ба-жарувчи эмас, балки топшириқларга онгли равишда ёндашувчи, керак бўлса, ўз муносабатини билдирувчи кадрлар бўлиб етишмоқда». Назаримда, фақат билаги эмас, тафаккури, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган Ватан химоячиларининг тарбияланаётгани энг катта ютуқларимиздан биридир. Бу ҳолат Соҳибқирон бобомизнинг «Азми қатъий, тadbиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир» деган тузугини ёдга солади. Ана шундай ҳушёр, мард ва шижоатли ҳарбий хизматчиларимизнинг сўнгги йилларда нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб бўлаётгани миллий армиямиздаги ўзгаришлар, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятига ёрқин далил бўла олади.

Дунёда, жумладан, минтақамизда бугунги кунда вужудга келаётган мураккаб вазиятда юксак ҳарбий тайёргарликка эга бўлган, энг замонавий воситалар билан таъминланган, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида, керак бўлса жонини ҳам аямайдиган юрт химоячиларининг борлиги хотиржамлигимиз гаровидир.

– Ватан химоячилари билан ўтказиладиган учрашув, тadbирларда кўп бора иштирок этгансиз. Демакки, ҳарбийларнинг нафақат касби, балки қизиқишлари, интилишлари ҳам сизга таниш. Мана шу ҳақдаги фикрларингиз ҳам биз учун қизиқ.

– Ҳарбийлар билан ўтказиладиган учрашувлардан ҳар гал бир олам таассурот оламан. Чунки улар орасида истеъдодлилар, иқтидорлилар жуда кўп ва бу менинг ҳайратимни оширади. Бундай қарасангиз, бошқалардан фарқи йўқ – сафдошлари каби бир хил кийинган, бир хил юради, туради... аммо саҳнага чиқиб ўқиган шеърлари, куйлаган кўшиқларини тинглаб, қойил қоласиз. Ҳатто баъзилари адабиёт, санъатга даъво қилиб юрганлардан кўра пешроқ экани маълум бўлиб қолади. Албатта, ҳарбий

Миллий армия деганимиз қандайдир мавҳум тушунча эмас, у она халқимизнинг суюкли фарзандларидан ташкил топган ва унинг бош мақсади Ватанимиз тинчлигини, элимизнинг хотиржамлигини химоя қилишдир.

са, юртнинг эртасини ўйлайди. Айтингчи, ёшларда ватанпарварликдек қутлуғ туйғун юксак даражада шакллантириш учун яна нималарга эътибор бериш керак? Жамоатчилик кенгашининг ушбу йўналишда амалга ошираётган ишларига тўхталсангиз.

– Озод ва тинч Ватан фуқароси бўлиш дунёдаги энг улуг неъмат эканини ёшларга таъсирчан услублар, ҳаётий мисоллар орқали етказиб беришимиз керак. Дунёда халқлар кўп, лекин ўз дахлсиз ҳудуди, ўз давлат рамзларига эга бўлган, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилай оладиган халқлар санокли. Бу неъматга эришиш учун узоқ йиллардан буён кўп қурбонликлар бериб келаётган, аммо ҳали-ҳануз мақсади ҳосил бўлмаётган халқлар борлигини яхши биламиз.

Яна бир ҳақиқат шуки, инсон фақат жисмоний эмас, энг аввало, руҳоний мавжудот. Яъни у ўз нафсини, моддий эҳтиёжларини тўла қондиргани билан бахтли бўлиб қолмайди. Руҳий жиҳатдан баркамолликка эришган, маънавий-руҳий қувватини намоён қила олган инсонгина чинакам бахт ҳиссини туйиши мумкин. Бу эса Ватан туйғусисиз бўлмайди.

Яқинда бир ёш дўстимиз чет элда ишлаётган ватандошимиз билан телефонда гаплашганини айтиб, бир кичик жиҳатга эътиборимни қаратди. «Уйда – ҳовлидамисиз?» – сўрабди суҳбатдоши. «Ҳа, – дебди у, – қаёқдан билдингиз?» «Қушларнинг овози эшитиляпти, – дебди Ватандан узоқдаги йигит. – Шу қушларнинг овозини қанчалик соғинганимни билсангиз эди...» Ҳа, Ватан туйғуси шундай бўлади! Нафақат ота-онангни, ака-укангни, севган ёрингни, керак бўлса, юртингнинг

улкан куч. Сизнингча ижодкорлар инсон маънавиятига нималарни олиб кириши, тарғиб қилиши керак?

– Энди, азал-азалдан кучли салтанатлар, маданиятлар ўз қадриятларини, керак бўлса, дини ва тилини бошқаларга сингдиришга, ўзгаларни ҳам ўзлари сингари сўзлайдиган ва фикрлайдиган қавмга айлантиришга уринишган. Бунга олис ва яқин тарихимиздан кўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Бугун бундай хуружларнинг кўлами кенгайиб, шакллари ўзгарди.

Агар илгари бир қавмни ўз кўйинга солиш учун қўшин тортиб, забт этишинг талаб этилса, бугун бунга ҳожат қолмади: ўз юртингда туриб, замонавий ахборот технологиялари, интернет ёрдамида бемалол ўз ғояларингни тарқатишинг мумкин. Кучли мафкура марказлари айнан шу йўлдан фойдаланмоқда. Яъни ўз ғояларини тарқатиш, тажрибасиз онглари забт этиш орқали мақсадларига замин, пойдевор тайёрлашни режалаштиришади. Бу жуда хавфли. Эндиликда биз нафақат давлат чегараларини, шу билан биргаликда, маънавий чегараларимизни ҳам қўриқлашга мажбурмиз. Чунки маънавий чегараларнинг бузилиши охир-оқибат халқнинг заифлашувига, давлат хавфсизлигининг мўртлашувига олиб келади. Дунёда адабиёт, санъат ниқоби остида қандай чиркин ғоялар тарғиб қилинаётганини кўриб турибмиз. Асрлар мобайнида умуминсоният томонидан беҳаёлик, жирканч иллат деб баҳоланган ҳолатларни айрим гуруҳлар оммалаштиришга уринаётганлари, ҳатто бу йўлда бошқаларга босим ўтказётганлари кишини ўйлантиради, албатта. Шубҳасиз, ижодкорлар инсониятнинг энг қалтис паллаларда ҳам омон қолишига сабаб бўлган гўзал қадрият ва анъаналарни бадиий воситалар орқали оммалаштириши, инсонлик рутбасига зид ғояларга қарши турмоғи, курашмоғи лозим. Бу нафақат ижодкорларнинг, ҳар бир виждонли, соғлом руҳли инсоннинг бурчидир.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА
суҳбатлашди.

"JANGOVAR HAMDO'STLIK - 2021"



ШАРҚИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГГА ҚАРАШЛИ
«ҒУРУМСАРОЙ» ДАЛА-ЎҚУВ МАЙДОНИДА
ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ-
ЛАРИ ИШТИРОКИДА «ЖАНГОВАР
ҲАМДЎСТЛИК – 2021» ДЕБ НОМЛАНГАН
МАХСУС-ТАКТИК ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ
БЎЛИБ ЎТДИ.



МАХСУС-ТАКТИК ЎҚУВ



«Жанговар ҳамдўстлик – 2021» махсус-тактик ўқув машғулотларида иштирок этадиган Тожикистон Республикаси Қуролли Кучлари қуруқликдаги қўшинлари қўмондони ўринбосари полковник Фатҳулло Идотуллозода бошчилигидаги меҳмонлар Мудофаа вазирлиги ва округ масъул офицерлари, маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари томонидан Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Андархон» чегара постида ўзбекона урф-одатлар билан тантанали тарзда кутиб олинди.

5 кун давом этган ўқув машғулотлари жараёнида ўзбек – тожик ҳарбийлари ўзаро малака ва тажриба алмашдилар.

30 июль куни Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари Қуролли Кучлари ҳамкорлигида ўтказилган «Жанговар ҳамдўстлик – 2021» махсус-тактик ўқувининг асосий жараёнлари якунига етди. Ўқувнинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи генерал-майор Шухрат Халмухамедов ва Тожикистон Республикаси мудофаа вазирининг маслаҳатчиси генерал-майор Аъзам Қосимов иштирок этди.





МАШҒУЛОТЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА



Ҳарбий ҳамкорлик

1 август куни Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирдан йўлга чиққан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ўзбек – рус – тожик ҳамкорлигидаги ўқув машғулотларида иштирок этиш учун узок масофали марш асосида Тожикистон Республикасига етиб боришди.

Ҳарбий хизматчиларни Тожикистон Мудофаа вазирлигининг масъул офицерлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари тантанали кутиб олди.

Мазкур ҳамкорликдаги машғулотлардан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш, махсус операциялар ўтказишни режалаштириш ҳамда қўшинларни тайёрлаш, ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

Ҳамкорликдаги ўқувлар Тожикистон Республикасининг «Ҳарб майдон» дала-ўқув майдонида бўлиб ўтмоқда.

Бу ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил маълумот берамиз.

Асрор РЎЗИБОЕВ,
лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ
«Vatanparvar»



"MEN G'OLIB!"

Бу ҳақда жуда кўп ҳикоялар ўқиганмиз, кинолар кўрганмиз. Шу ўринда биргина япон киноижодкорлари томонидан яратилган «Хатико» фильмини эсласангиз кифоя. Мудофаа вазирлиги Мутахассис ва хизмат итларини тайёрлаш марказида «Мен ғолиб!» шиори остида вазирлик қўшинлари миқёсида ташкил этилган армия ўйинларининг «Содиқ дўст» мусобақасида ҳам жониворлар инсонга бўлган шундай юксак садоқатини ифода этиб, барчани ҳайратлантирди.



ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ



Мусобақада ҳарбий округлардан келган 10 нафар кинолог ўзаро беллашди. Биринчи шартда улар ўз хизмат итлари билан 300 метр масофага тўсиқлар оша югуришди. Ушбу шартни баҳолаш жараёнида хизмат итларининг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, шу аснода шартни беҳато бажариши ҳам ҳисобга олинди. Эътирофга сазовор жиҳати, барча хизмат итлари ўз хатти-ҳаракатлари орқали ғалабага бўлган интилишларини кўрсатиб, белгиланган вақт давомида шартни тўлиқ ва аниқ адо этишга ҳаракат қилишди. Эпчиллик ва чаққонлик синови бўлган мазкур шартда кичик сержант Сардор Носиров (Шарқий ҳарбий округ) энг юқори кўрсаткични қўлга киритди. У «Дар» лақабли хизмат ити билан 1 дақиқаю 28 сонияда белгиланган масофага етиб келишга муваффақ бўлди.

Кейинги шарт «Ҳимоя-қоровул ва портловчи моддаларни қидириб топиш» деб номланган бўлиб, унда кинологлар билан бирга хизмат итларининг ҳам ўзига юклатилган вазифани қай даражада удалаши синовдан ўтказилди. Ушбу шартда иштирокчилар контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскарлар Шаҳзод Омонов «Оскар» лақабли ити билан (Шарқий ҳарбий округ) ва Шаҳбоз Эшонқулов «Рекс» лақабли ити билан (Тошкент ҳарбий округи) энг юқори – 100 балли қўлга киритишди.

«Моҳир ўқчи» шартида кинологлар мерганлик бобидаги маҳоратини намойиш қилган бўлса, «Дог биатлон» баҳсида қанчалик эпчил ва чаққон эканликларини амалда кўрсатишди. Ушбу шартда иштирокчилар умумий 3 200 метр масофага





ЎЗ СЎЗИНИ АЙТГАНДА

хизмат ити билан биргаликда югуришди. Маълум масофадан сўнг ўқ отиш майдонида 5 та нишонга ўқ узишди. Умумий ҳисобда 10 та ўқ отиш машқини бажаришди. Иштирокчилар мўлжалга теккиза олмаган ҳар бир нишон учун жарима майдонида бир айлана югуриш билан «жазоланди». Ушбу йўналиш бўйича контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Қурбон Ярашев энг юқори кўрсаткични қайд этди.

«Эстафетали дог биатлон» шарти бирмунча қийин ва жамоадаги ҳар битта иштирокчидан улкан масъулият талаб қилиши билан ажралиб турди. Ушбу шартда ҳар бир округдан уч нафар иштирокчи қатнашди. Иштирокчилар 800 метрга югуриш, 5 та нишонга ўқ отиш машқини бажарди. Шартни бажариш учун жамоаларга 6 дақиқаю 20 сония вақт берилди. Бир кишининг хатти-ҳаракати жамоа тақдири учун улкан аҳамият касб этувчи ушбу шартда жамоанинг ҳар бир аъзоси ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилди. Бунда Тошкент ҳарбий округи жамоаси энг яхши натижа кўрсатди.

Мусобақа якунида ғолиблар эълон қилинди. Унга кўра, умумий ҳисобда Тошкент ҳарбий округи жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. Шарқий ҳарбий округ 2-ўрин, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ 3-ўринни эгаллади. Ғолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Марказий ҳарбий округнинг «Фориш» полигонидида «Мен ғолиб!» шиори остида армия ўйинлари доирасида ўтказилаётган «Ҳарбий-тиббий эстафета», «Дала ошхонаси», «Хавфсиз маршрут» ва «Муҳандислик формуласи» мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

этди. Маросимдан сўнг беллашувларга старт берилди. Жамоалар мусобақа шартларини бажаришга киришди. Назарий ва амалий кўникмага эгалик, касбий маҳорат, тажриба ва малака ўз сўзини айтадиган ушбу баҳсларда ҳар бир иштирокчи, ҳар бир жамоа ғолиблик учун астойдил интилмоқда.

Шунингдек, армия ўйинлари доирасида «Фарғона» полигонидида «Десант взводи», «Бахмал» полигонидида «Қутб юлдузи», Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда «Йўл патрули», «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув машқлари марказида «Отлиқ марафон», «Тоғ жангчиси» мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Беллашувлар мурасасиз кечмоқда.

Бу ҳақдаги тафсилотлар билан газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил маълумот берамиз.

**Майор
Г. ҲОЖИМУРОДОВА**

AJDODLAR JASORATI – YOSHLARGA O'RNAK

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бу тизимда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашлар бир вақтнинг ўзида фронт ва фронт ортида хизмат қилаётган инсонлар учун маҳсулотлар етказиб бериш баробарида саноатни изга тушириш учун хомашё ҳозирлашлари зарур эди.

ҚАШҚАДАРЁЛИК МЕХНАТКАШЛАРНИНГ МАТОНАТИ



Ўзбекистон аҳолиси 1941 йилда 6,5 миллион киши бўлган бўлса, уларнинг меҳнатга яроқли катта қисми – 1 433 230 нафари фронтга сафарбар этилганди. Бу эса мамлакатда халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаш қобилиятига эга эркакларнинг катта қисми фронтга кетганини, фронт ортида меҳнатга яроқли эркаклар сонининг камайганлигини, халқ хўжалиги тармоқларида ишлаш учун мамлакатда асосан, кексалар, хотин-қизлар ва ёш болалар қолганди. Ана шундай мураккаб вазиятда республика меҳнаткашлари

орқали ишчи ва меҳнаткашлар томонидан фронт учун иссиқ кийим-кечаклар ва 50 дан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоят ишчи ва меҳнаткашлари фронт билан бир пайтда фронт ортидаги аҳоли учун ҳам зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда жасорат кўрсатдилар. Жумладан, вилоятда уруш йилларида нон, гўшт, сут ва бошқа саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Узоқ давом этган уруш саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида фронт ортидаги ишчи ва меҳнаткашларнинг тинимсиз меҳнат қилишларини ва давлат томонидан белгиланган режани ортиги билан бажаришни талаб қиларди. Совет ҳукумати томонидан 1941 йил 16 августда Урал, Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ғалла майдонларини кенгайтириш тўғрисида қарорнинг қабул қилиниши натижасида 1942 йилда Қашқадарё вилоятида ғалла етиштириш майдонлари 2 баробарга кенгайтирилди, давлат режалари ҳам оширилди. Қашқадарё вилояти Қарши тумани марказида 1941 йилнинг июль ойида туман меҳнаткашлари иштирокида митинг бўлиб ўтади.

Мазкур йиғилишда дашт қишлоқ кенгашидаги «Октябрь 14 йиллиги» деҳқон хўжалигининг раиси Жалилов сўзга чиқиб, иштирокчиларга қуйидаги фикрларни баён этади: «...Чаманзор Ватанимизга бостириб келган Гитлер ғалаларига қарши ғазабланган фидокор колхозчиларимиз меҳнатда ажойиб иш намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар». Ҳақиқатан ҳам деҳқон хўжалиги раиси Жалилов таъкидлаганидек, хўжалик аъзолари олган ўз режалари ва мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, теримни режадагидан 10-15 кун илгари бошлаб, 1940 йилдагига нисбатан 4-5 центнер кўп пахта топшириш мажбуриятларини оладилар. Бундай жонбозликни Обдида қишлоқ кенгашида «Октябрь XX йиллиги» деҳқон хўжалигида ҳам кўриш мумкин. Мазкур деҳқон хўжалигида ҳам юқори ҳосил олиш учун меҳнаткашлар фидокорона меҳнат қилдилар. Жумладан, хўжаликнинг ёш ишчиларидан бири

София Абдурахимова кунига режадаги 0,10 гектар ўрнига 0,20-0,25 гектардаги ғўзани сифатли чопиқ қилиб, режадаги 0,20 гектар ўрнига 0,30-0,35 гектардан пахтани чеканка қилиш ишида намуна кўрсатди. София 5 кунда 1,5 гектар ердаги ғўзани чеканка қилади.

Ундан ўрнак олган Хурсаной Қурбонова, Маллаой Соҳибова каби меҳнаткашлар ўз иш режаларини 2-3 баробарга ошириб бажардилар. Шаҳар кенгашидаги «Пахтакор» деҳқон хўжалигида ҳам ва юқори ҳосил олиш учун пахта майдонларида тинимсиз меҳнат қилинди. Меҳнаткашлар томонидан 46 гектарлик пахта майдони 3 марта чопиқдан чиқарилади ва 3 марта суғорилади. Уруш йилларида фронт ортидаги халқ хўжалиги, жумладан, қишлоқ хўжалигидаги ишларни янада жонлантириш, меҳнаткашларни фашизмга қарши курашда руҳлантириш мақсадида ҳукумат вакиллари томонидан мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб борилган. Қарши тумани Кат қишлоқ кенгашидаги «Қаҳрамон» деҳқон хўжалиги аъзоси А.Турсунова фашизмга қарши курашга бағишлаб ўтказилган ана шундай йиғилишлардан бирида қуйидаги фикрларни баён этади: «...Турмуш ўртоғим машҳур пахта устаси эди. У ҳозир фашист босқинчиларига қарши жанг қилмоқда. Мен бу ерда фронт орқасида 3 ҳисса иш бажариш мажбуриятини оламан».

Турсунова ўз сўзининг устидан чиқиш учун тинимсиз ёшлар билан бирга меҳнат қилади. У кунига 3 ҳисса эмас, 4 ҳисса ошириб иш бажаради. Ғўзаларга ишлов беради, чеканка қилади. Ундан ўрнак олган пахтакорлар юқори ҳосил олиш учун фидокорона ва машаққатли меҳнатларини янада кучайтиради. Каманди қишлоқ кенгашидаги «Ўзбекистон» номли деҳқон хўжалигида 2 ўғлини ҳаракатдаги армияга жўнатган 60 ёшли Чинни Сатторова фашизмга қарши бўлиб ўтган митингда: «...Икки фарзандим фашист газандалари билан кураш олиб бормоқда. Улар бу ерга ўтирганларнинг ҳаммасини химоя қилмоқда. Мен бу ерда туриб уларга ёрдам бериш учун олган мажбуриятимни ошириб бажараман», деб айтади. У ўз сўзи устидан чиқиш учун бутун кучини ишга солиб, меҳнат қилди ва иш режасини 2-3 баробар ошириб бажарди. «Қизил қаҳрамон» деҳқон хў-

жалигидан Саломатхон Қаршиева, «Коммунизм» деҳқон хўжалигидан Маъмура Қаҳқорова, Бодомой Саломова, «Октябрь 14 йиллиги» деҳқон хўжалигидан Зайнаб Бозорова, Рўзигул Эргашева каби ёшлар ёрдами ва кўмаги билан деворий газеталар чиқарилиб, кунлик қилинган ишлар натижалари акс эттириб борилади. Илғор меҳнаткашлар тажрибаси кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

1941 йил 8 августда Ўзбекистон ҳукумати пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, тез ва қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш ҳар бир хўжалик ва унинг раҳбарларини кечиктириб бўлмайдиган вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳар бир хўжалик ўз имконияти ва шароитига қараб, пахта териш ва давлатга топшириш графигини ишлаб чиқди ҳамда бутун кучлар пахта теришга сафарбар қилинди. Мазкур йиғим-терим ишларида вилоятдаги «Саноат» деҳқон хўжалигининг теримчиларидан Тўраой Содиқова, Кўчкак қишлоқ кенгашидаги «Гулистон» деҳқон хўжалигидан Норой Қамбарова, Ўриной Мардонова, Ўғилой Сатторова ва бошқа звенолар теримчилари фаоллик кўрсатиб, кунига 260-270 килограммдан пахта тердилар. Шунингдек, уруш йилларида вилоят қишлоқ хўжалигида пахта, ғалла, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларидан ташқари, янги экин турлари бўлган каноп, лавлаги, тамаки кабиларни етиштиришда ҳам меҳнаткашларнинг ҳиссаси чексиз бўлди.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш керакки, меҳнат ресурсларини катта қисмини фронтга сафарбар этилишига қарамасдан, Қашқадарё вилояти меҳнаткашларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида нафақат мамлакат иқтисодиётини кўтаришда, балки фронтни саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб туришда ҳамда машаққатли меҳнатлари билан фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари беқиёс аҳамиятга эга. Аждодларимизнинг келажак авлод тинчлиги ва фаровонлиги йўлида кўрсатган жасоратлари қалбимиз ва хотирамизда абадий сақланиб қолади.

Зинур БОЗОРОВ,
«Шон-шароф» давлат музейи
кичик илмий ходими



қатори қашқадарёликларнинг ҳам мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш, фашизм устидан ғалаба қозониш, Ватанни душмандан озод этиш йўлидаги жасоратли ва фидокорона меҳнатлари диққатга сазовор эканлигини таъкидлаш зарур.

Уруш йилларида Қашқадарё вилояти мутасаддилари ҳукумат қабул қилган қарорлар асосида вилоят иқтисодиётини фронт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қайтадан ислоҳ этишга қаратдилар. Республикадаги бошқа вилоятлар каби Қашқадарёдаги барча саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги тармоқларига фронт учун маҳсулотлар етказиб бериши муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилди. Қашқадарёлик ишчи ва меҳнаткашлар фашизм устидан тезроқ ғалаба қозониш, фронтга жангчиларга зарур озиқ-овқат ва кийим-кечак ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларни етказиб бериш учун тинимсиз меҳнат қилдилар. Жумладан, Қарши шаҳридаги Текстиль комбинатида фронтдаги жангчилар учун кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Ғузор, Қамаш ва Чироқчи туманларидаги цехларда фронтдаги от-уловлар учун турли анжомлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Умуман олганда, вилоятда ташкил этилган цехлар

HARBIY SALOHİYAT

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

академия битирувчиларининг бош мақсади

Ҳарбий кадрларни шакллантириш ва қайта тайёрлаш баробарида хорижий меҳмонлар ташрифи, халқаро конференция, анжуманлар ўтказишга доимо шай бўлган, уларнинг ҳавасини келтирадиган Қуролли Кучлар академиясини навбатдаги битирувчилар тамомлади.

Дастлаб битирувчиларга мудофаа вазирининг табриги ўқиб эшиттирилди. Табрикда таъкидланганидек: «Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз учун етук миллий ҳарбий кадрларни етказиб бериш бўйича академия, мамлакатимиз куч тузилмалари олий таълим муассасаларининг локомотиви ҳисобланади.

Ўқув жараёнида буюк стратег Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди каби саркардаларимизнинг тажрибалари асосида тингловчиларда ҳарбий иш назарияси ва амалиёти бўйича билим ва кўникмалар шакллантирилади».

Дарҳақиқат, Қуролли Кучлар академияси давлатимизнинг етакчи олий ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, бу ерда таянч олий таълим (бакалаврият), кейинги олий

ҳарбий таълим (магистратура) берилиши ва олий ҳарбий таълим тизимида педагогик ва илмий кадрларни тайёрлаш маркази сифатида вазифалар юклатилган олий ҳарбий таълим муассасаси саналади.

Қуролли Кучлар академиясида «Умумқўшин», «Қўмондонлик-штаб», «Малака ошириш» факультетлари мавжуд бўлиб, улар бир нечта йўналиш ва мутахассисликлар бўйича кенг билим ва тафаккурга, юксак касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, маънан ва жисмонан етук офицер кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш учун мўлжалланган.

Кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маъна-



Муаллиф суратга олган

вий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга оширилаётган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қодир бўлган ҳарбий кадрларни тайёрлаш – Қуролли Кучлар академиясининг асосий мақсадидир.

Мазкур академиянинг «Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси» факультетида ана шундай амалий ва назарий билимларни пухта эгаллаган, интеллектуал етук, мантикий фикрлай оладиган, зарур

касбий тайёргарлик ва магистр даражасига эга бўлган офицерлар миллий армиямиз сафларига кузатилади. Уларга диплом ҳамда кўкрак нишонлари тантанали тарзда топширилди.

Шундан сўнг Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерт дастури намойиш этилди.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ

Jarayon

КАТТА ЙЎЛ БОШИДА

Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтига янги чақирилган курсантликка номзод ўғлонлар бир ойлик дала-ўқув йиғин машғулотларига жалб этилди. Машғулотлар «Чирчиқ» полигонда бўлиб ўтмоқда.

Амалий тайёргарлик жараёнларни тартибга биноан, жисмоний тайёргарлик машғулотларидан бошлашди. Шундан сўнг алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда асосий машғулотларни ўтайди.

Курсантлар тиббий тайёргарлик бўйича соҳа мутахассисларидан биринчи тез

т и б б и й
ё р -
дам-
дан



бошлаб, жангда ярадор бўлган ҳарбий хизматчини эвакуация қилишгача бўлган жараёнларни пухта ўзлаштирмоқда.

Оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш мавзусидаги топшириқ ва вазифаларни ҳам катта иштиёқ билан бажараятир. Ўқотар қуролни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш улар ўртасида мусобақага айланиб кетди.

– Дала-ўқув майдонига келганимиз яхши бўлди, – дейди курсантликка номзод Жаҳонгир Маманиёзов. – Бу ерда сафдошларимиз билан бирга ҳарбийликнинг сир-синоатларини қунт билан ўрганяп-



миз. Ўз ҳаётимизни мана шу касбга боғладик. Шундай экан, Ватан ҳимоячиси деган номга лойиқ бўлишимиз, ҳарбийлик сифатларини ўзимизда мужассам этишимиз, бир сўз билан айтганда етук кадр бўлишимиз керак. Кўриб турганингиздек, бунинг учун бизда ҳамма шароит етарли.

Уларнинг ўз устида тинимсиз ишлаши, Ватанга тиргак, элга сунч бўлишлари учун бу ерда барча қулайликлар муҳайё этилган. Мутахассисликлари бўлмиш алоқа

йўналишига ҳам малакали мутахассислар жалб этилган бўлиб, улар энг сўнгги замонавий алоқа воситалари, қўлланилиш хусусияти ва қўшинни бошқаришдаги ўрни ҳақида мукамал билим бермоқда. Энг асосийси, машғулотларнинг деярли барчаси дала шароитида ташкил этилиши уларнинг чидамлилиқ, қийинчиликдан чўчимаслик ва яшовчанлик қобилиятларини мустаҳкамламоқда.

– Йигитлар асосий машғулотлардан ташқари жамоани жипслаштирувчи, шахслараро муносабатларни яхшилашга ёрдам берувчи психологик тренингларда ҳам иштирок

этяпти, – дейди курс бошлиғи майор Орзимурод Расулов. – Бу, албатта, шахсий таркибнинг бир-бирига бўлган ишончини орттиради. Бундан ташқари, маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳам турли хил тadbирларни ташкиллаштиряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, ўғлонларнинг полигондаги ҳаёти фойдали ва самарали кечмоқда.

Лейтенант
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

СУНВАТ

Ҳадемай мамлакатимизда давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонланади. Бу давр мобайнида Қуролли Кучларимиз том маънода ривожланиш йилларини босиб ўтди. Миллий армиямизнинг жанговарлик салоҳияти ошишида юзлаб фидойиларнинг машаққатли хизмати бор. Уларнинг шарафли меҳнати туфайли мамлакатимизда улуг саркарда боболаримизга муносиб ворислар пайдо бўлди. Ўзбекистон армияси шаклланди, оёққа турди. Бу муборак ишга ҳисса қўшган инсонлардан бири 1992 – 1995 йилларда мудофаа вазирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилган истеъфодаги полковник Рашидов Анвар Ғаниевичдир. Биз у киши билан ўтган йиллар ҳақида суҳбатлашдик.

– Одам бирор нимани чин юракдан истаса, ўшанга эришар экан. Бир пайтлар Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида (ҳозирги Қуролли Кучлар академияси) ўқиб юрганамда унинг ёнидаги маҳаллада яшаётган одамларга, айниқса, ҳарбий хизматчиларга ҳавас қилардим. Менинг ҳам шу атрофда уйим бўлса, деб ўйлаганман. Ҳарбий билим юрти мен учун қутлуғ бир маскан эди. Йиллар ўтди. Бугун ўша мен ҳавас қилган билим юртининг яқинида яшайман, кўчага чиқсам унга кўзим тушади.

Оҳангаронда зиёлилар оиласида туғилганман. Онам ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, отам мактаб директори эдилар. Даставвал Самарқандда, кейин Деновда, Оҳангаронда бирга ишлашган. Уч ярим ёшимда отамдан айрилдим. Онам кам ойлик билан уч кишини – опам, мен ва бувимни боққан. Иккинчи, учинчи синфларда футбол билан шуғулланганман. «Пахтакор»нинг болалар жамоасида бўлғуси афсонавий ўйинчилар Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Василис Хадзипаногислар билан танишдим. Майдонда уларга қарши ўйнаганман. Футбол мени тарбиялаган, ўзимни жамлашга, интизомга ўргатган. Кейин шахматга қатнадим. Ўқувчилар ўртасида «Зарница» деган ўйинлар бўларди, кўп мусобақаларда қатнашганмиз, жамоа сардори эдим. Қўйинчиликларни кўрдик, улғайганим сари ҳаётга жиддий қараш кераклигини тушуниб бордим. Саккизинчи синфни битирганимда ҳарбий бўлиш иштиёқи пайдо бўлди. Жиддий тайёргарлик кўрганлигим боис, Свердловскдаги Суворов ҳарбий билим юртига ўқишга қабул қилиндим. Оиламизда фақат аёллар қолган эди. Онам менга ташвишланиб, кўнғироқ қила бошладилар. Кекса бувим касал бўлиб қолган экан. Ўқишни ташлаб, Тошкентга қайтишга мажбур бўлдим.

1970 йилда Тошкент олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирдим. Курсантлар орасида ўзбеклар кўп эмас, ўқиш рус тилида олиб бориларди. Тўрт йил ўтиб, ўқишни тугатганимда битирувчиларнинг 80 фоизи Германия, Польша, Венгрия, Чехословакияга хизматга юборилди. Мен Туркистон ҳарбий округининг Термиз гарнизонида хизмат қилишни хоҳладим. Ўқишда фаол бўлганим учун танловимни қабул қилишди ва Термизда Афғонистон билан чегарада хизматни бошладим. Кейин Афғонистоннинг қайноқ нуқталарида,

Ашхободда хизмат қилдим. 1984 йил Москвада ҳарбий сиёсий академияни тугатганимда менга хизмат жойини танлаш имкониятини беришди. Буни ватанпарварлик дейсизми, билмадим, яна Туркистон ҳарбий округининг Термиз гарнизонини танладим.

Йиллар ўтиб, СССР парчаланганида Чирчикдаги олий ҳарбий билим юрти бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ёрдамчиси лавозимида хизмат қилардим. 1991 йил августда мустақиллик эълон қилинди. Илк қадамлар. Барча соҳалар каби ҳарбий соҳада ҳам кечиктириб бўлмайдиган жиддий вазифалар пайдо бўлди.

Варшава шартномасига кирувчи давлатлар – Германия, Польша, Венгрия ва Чехословакиядан олиб чиқилган ҳарбий техникалар Термизга жойлаштирилган эди. Шу вақтда Президент девонига Термиздаги ана шу ҳарбий техникаларнинг қисмлари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари талон-торож қилинаётгани ҳақидаги хабар келганда мени ҳам махсус комиссия таркибига киритиб, Термизга текширув учун жўнатишди. У ерда бир қанча омборлар, техникалар, қурол-аслаҳалар бор эди. Бориб текширдик, ҳаммасини жойига қўйиб қайтдик. Мана шу хизмат сафа-

«МУРАККАБ, ОҒИР ЙИЛЛАР ЭДИ»



Республикаси қонуни билан «Ватан ҳимоячилари куни» этиб белгиланди.

«ТуркВО» Собик СССРдаги энг катта ҳарбий округлардан бири эди. Шахсий таркиб турли миллат вакилларидан иборат, сони юз мингдан ортиқ эди. Шу рақамдан иш кўламининг қанчалик катта эканлигини тасаввур қилаверинг. Ҳарбий хизматчилар кўпчилиги ўз юртига қайтиш тараддудига тушди. Шунда кадрлар танқислиги масаласи юзага чиқди. Институт ва университетларда таълим олган, ихтисослиги ҳарбий соҳага яқин бўлган мутахассисларни кўшинларга хизматга чақириш бошланди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида шахсий таркиб билан ишлаш органлари офицерларини қайта тайёрлаш курси фаолияти йўлга қўйилди, ҳарбий билимларни ўргатиш борасида аниқ чоралар кўрилди. Бошқа республикаларда хизмат қилаётган офицерлардан Ўзбекистонда хизмат қилиш истагини билдирган мурожаатлар ҳам кўп бўлди. Мудофаа вазири Рустам Аҳмедовнинг қатъийлиги туфайли қисқа фурсатларда муаммоларга ечим топа бошладик.

Иш кўплигидан вазирликда ҳар куни тунги ўн иккигача қолиб кетардик. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало ҳар бир йўналиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Умумҳарбий низомлар ўзбек тилида ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ҳарбий қисмлардаги реал ҳолат ўрганилиб, ташкилий ишлар шунга қараб режалаштирилди. 1993 йилдан олий ҳарбий билим юртлари кўптармоқли офицерларни тайёрлаш тизимига ўтганидан кейин 1995 йилларга келиб, ўз мутахассисларимиз этишиб чиқди.

Одамларнинг шодлиғу қайғуси билан яшаш тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳияти бўлиши керак, деган шиор билан хизмат қилдик. Мураккаб, оғир йиллар эди. Офицерларнинг фидойи хизмати туфайли армиямизнинг қудрати йилдан-йилга ошиб борди.

Совет армиясидан қолган салбий одатлар «дедовшина», низом қоидаларига бўйсунмаслик, ўғирлик каби ҳолатларни бартараф этиш осон бўлмаган. Бунинг олдини олиш учун ҳарбий қисмларда сайёр судлар, ҳарбий хизматчилар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Ахлоқий-руҳий муҳитни, соғлом муносабатларни пайдо қилиш учун бир қанча тадбирлар ташкил қилинди. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Аскарлар ота-оналаридан иборат делегацияларнинг ҳарбий қисмларга ташрифлари амалга оширилди.

Миллий армиямизнинг шаклланиш йилларини, ўша кунларни эслаб, бугун қониқиш ҳосил қиламан. Дунё рейтингларида юқори ўринларни эгаллаб келаётган Қуролли Кучларимиз ривожланишига ҳиссам қўшилганидан мамнун бўламан.

Бугунги ёшларга, шарафли касбни танлаб, Ватанимизни ҳимоя қилаётган ҳарбий хизматчиларга, издошларимизга мустаҳкам соғлиқ, метин ирода, оилавий бахт тилайман.

Фурқат ЭРҒАШЕВ
ёзиб олди.



KELING, KITOB O'QIYMIZ

«МЕН ҲАММАНИ СЕВАМАН»



Кичкиналимда мен учун онамнинг ҳам бир вақтлар бола бўлгани жуда ҳайратланарли эди. Онам уруш йилларининг боласи эди. Киноларда кўрганим, китобларда ўқиганим қийинчиликлар, оғир ҳаётдан таъсирланиб, онамни саволга тутардим:

– Ростдан ҳам нон йўқ эдим? Нега?

– Ҳукуматнинг одами буғдойни қаерга бекитсак ҳам топарди, деворларни ўйиб бўлса ҳам топарди.

– Озгина қолдирса бўлмасмиди?

– Қолдириш қайда, отамни ҳам олиб кетганлар...

– Оч қолиб кетганмисиз?

– Унчалик эмас... биз бой эдик.

– Тиллаларингиз кўп эдим?

– Йўқ, тилларимиз йўқ эди, бир уй кадимиз, соғин сизимиз...

Гапларини охиригача эшитмай, кулиб юбораман. Бир уй қовоқни кўз олдимга келтириб, яна куламан. Шу ҳам бойликми? Онам тушунтирмакчи бўлади:

– Эшигимизда атала юқи ювиндисини ичиш учун ўн беш-йигирма чоғли бола-бақра, эркак-аёл йиғилиб турарди. Онамнинг оналари биздан орттириб, баъзан яшириб, уларни ҳеч

қуруқ қайтармасдилар.

Шу гапдан сўнг уларни палончийди, писмадончийди, деб отларини айта бошларди, онам. Барибир ишонгим келмасди, чунки онам айтган инсонлар қачонлардир бировнинг эшигида емак илинжида сарғайиб турганга ўхшамасдилар.

Кейинчалик улғайиб, онамнинг болалик хотиралари айна ҳақиқат эканлигини билдим. Бу хотираларга ўхшаш воқеаларни кўп ўқидим.

Нима учун буларни ёзяман? Сабаби бор, албатта. Яқинда таниқли адибимиз Нурали Қобулнинг «Бўри ови» қиссалар китобини ўқиб чиқдим. Аслида, бу китобни «Мен ҳаммани севаман» қиссаси киритилгани учун сотиб олгандим. Қачонлардир ундан парчалар ўқиганим учун ўйланиб ўтирмасдан, сотиб олдим. Китобдаги биринчи қисса «Буғдой пишигига етма-

ганлар» деб номланади. Номидан билиниб турибди, қайғули бир қисса... Ўқий бошладим, Нурали Қобул ёзган, қайғули бўлса ҳам ўқий керак.

Бу қиссани ўқияпман-у, болалиги уруш йилларига тўғри келган онамнинг мен ишонмаган «эртаклари» билан юзма-юз кела бошладим. Юқоридаги бойлик ҳақидаги хотираларим айна шу қисса боис ёдимга келди.

Совет даври воқеликларини абадиятга муҳрлаган ижодкорлар орасида Макс Пенсон ишлари алоҳида ажралиб туради. У ҳам барча қатори совет кишининг қаҳрамонона меҳнатларини акс эттирган, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Аммо ана шу «қаҳрамонона меҳнат» фониди ҳаёт ҳақиқатлари ҳам акс этган. Айниқса, Катта Фарғона канали қурилишидан ишланган расмларда аёл-қизларнинг замбил аравада тупроқ ташиётганлари акс этган. Агар бу расмга кўзингиз тушган бўлса, холисона айтишчи: бу аёллар бажарадиган ишми?!

Уруш даври эди, рост. Аммо уруш кечаётган, немислар босиб олган ҳудудларда ҳам аёллар бизнинг ўзбек аёллари қадар азоб чекканмикан?! Ҳали у замоннинг тарихи биздан узоқлашиб кетгани йўқ! Тирик гувоҳлар, тирик тарихларимиз, мункиллаб қолган бўлса-да, бор ҳали!

Ўша кунларни ўрганганим, холис таҳлил қилиб, бугунги кун ёшларига етказадиган тадқиқотчилар топилишидан умидворим.

Келинг, китобга қайтайлик. «Буғдой пишигига етмаганлар»дан **ўқиймиз:** «Ҳар куни бир марта суюқ атала ичишади. Гоҳида эса қўшнилари Қўйсин холадан айрон сўраб, ичингни баттар таталайдиган айрон атала қилишга тўғри келади. Қоринга юқ бўлмайдиган шу аталани ҳам қошиқда ичсанг, тез тугаб қолади. Қўлда ялаган маъқул. Шу дақиқада оламда аталадан бўлак ширин таом йўқдек туюлади.

Санам болаларининг кўнгли учунгина овқатга бир-икки қўл теккизган бўлар, ярим оч бўлса-да, қозоннинг тагини ялаш билан чекланарди.

Анвар опасининг очлигини сезиб турар, шу боис егани татимасди. Кўзига аталадан бўлак нарса

кўринмайдиган сингиллари чуғурлашиб толтовоққа ёпишишарди. Кўзлари ичига тортиб, ҳомиладор ўроқчи жувонлардек озиб кетган Каромат ўзини чалғитиш учун уззукун майда-чуйда ташвишлар билан овора бўлар, кўзёшини ичига ютарди. Талашиб-тортишиб атала ялаётган сингиллари яна бир неча кундан сўнг шу суюқ атала ҳам бўлмаслигини, шунда онаси қай аҳволга тушишини фаҳмламасди. Опасининг эса юзлари сўлғин тортиб, кундан-кун қоқсуякка айланиб борарди.

...аёлнинг бор сохти-сумбати икки елкадан иборат эди».

Бу қиссанинг номи нега «Буғдой пишигига етма-



ганлар»? Кимлар етмади, буғдой пишигига? Урушдан даҳшатлироқ азоблар ҳам бўладими?

Бу саволларга биргина қиссадан жавоб оласиз. Китобда бундан бошқа яна учта қисса бор. Булар орасида «Мен ҳаммани севаман» бирам бошқача, бирам кўнгилга яқин, бирам... бир тоза, мусаффо! Адабиётшунос бўлсам экан, сизга буни ипидан игнасигача тушунтирсам, афсуски, мен бор-йўғи оддий ўқувчиман, китобсеварман.

Бу оламда бола каби беғубор, софдил бир буюк инсон бор эди. Уни рассом Рўзиев дер эдилар. Қисса ана шу улғимиз ҳақида.

«Бошланиши шундай: Ёрилтош-ей, ёрилтош, Мен онамни кўрайин. Дийдорига тўйайин-е, Дийдорига тўйайин. Ёрилма тош, ёрилма, Мен онамни кўрмайин. Бизларни ташлаб кетган, Дийдорига тўймайин.

Рўзи Чориев қўшиқ айтарди. Ўзидаги табиийлик,

самимийлик, болаларча покизалик ва беғуборликни қўшиққа соларди. Булоққа сўвга тушиб, қўшиқни жон қулоғи билан тинглаётган кампир ва келинчакнинг кўзидан ёш оқар, атрофидан одамлар аримайдиган серсоқол ҳамқишлоқ рассомнинг бор вужуди билан сурат чизиб, қўшиқ айтаётганидан ҳайратда эдилар.

Эҳтимол рассомлар ҳақида ёзилган қиссалар мўлдир. Бироқ мен Сомерсет Моэмдан бошқа адибда рассом қиёфаси мукаммал чизилган асарни ўқимадим. Ўзбек адабиётида эса буни маромига етказган инсон Нурали Қобулдир. Яхшиси, мен адиб ҳақида гапирмаганим маъқул. Ҳар қанча сўз, ҳар қанча эътирофни унинг асарлари айтиб бўлган, аллақачонлар.

Келинг, ортиқча сўз демай! Шу ерда биргина парча билан бу саҳифани якунлашни истайман. Аслида ана шу биргина парча учун ҳам бу қиссани севаман. Яна мушук воқеаси ҳам бор. Бу китоб... яхшиси, уни мутолаа қилинг.

Ўқиймиз: «– Биласанми, кимларни яхши кўраман! Леонардо да Винчини! Асарларида руҳий гўзаллик тантанаси ёғилиб турганлиги учун! Коринни! Инсоннинг бор ички дунёсини тасвирлай олгани учун! Ренато Гуттузони! Характерларининг ёрқинлиги учун! Ундан ташқари, Дайнесконни ҳам! Айтматовни севаман! Айтматовни! Барчани ҳайратга сола оладиган дунёвий ҳақиқат яратганлиги учун! Тенгсиз, гўзал романтикаси учун Тургеневни! «Арафа»ни ўқиб, Еленани севиб қолганман! Умар Хайёмни! Ҳақиқатпарварлиги ва алдамаслиги учун! Ҳамид Олимжонни! Қалбидан ва шеъридан нур ёғилиб тургани учун! Андрей Вознесенскийни! Рўйирост ва мардонаворлиги учун!.. Ҳамма-ҳаммани яхши кўраман! Ҳатто мени ёқтирмайдиганларни ҳам! Шунақа, инсон дунёга дард билан келиб, дард билан кетади.

У узоқ жимиб қолди. Сўнг олис-олисларга тикилганча деди:

– Дунёда энг гўзал туйғу – аёлларга бўлган муҳаббатдир. Инсоннинг бахти ҳам, фожиаси ҳам шундан бошланиб, шунда тугайди!..»

«...Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу асосда 201 та ахборот-кутубхона марказидаги китоблар сони қарийб 25 миллионга етказилгани, ўтган йили мактаб кутубхоналари 150 мингдан зиёд янги адабиётлар билан таъминлангани ёшларимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнамоқда».

Президентимизнинг мамлакатимиз мактабларини 2021 йилда битирган ўғил-қизларга табригидан.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Vatanparvar»



Япония пойтахти Токио шаҳрида XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари қизгин давом этмоқда. Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) таэквондочиси Улуғбек Рашитов бошлаб берган муваффақиятни боксчи ва оғир атлетикачиларимиз давом эттирди. Боксчимиз Баҳодир Жалолов финалга йўл олган бўлса, энг оғир вазли оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев Олимпиада рекордини янгилаб, чемпионликка эришди.

БЕШИНЧИ КУН

XXXII ёзги Олимпиада ўйинларининг бешинчи кун, яъни 28 июлда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) дзюдочиси Давлат Бобоновнинг татамига чиққанлиги ва Олимпия ўйинларининг бронза медалини қўлга киритганлиги хусусида газетамизнинг ўтган сониди батафсил маълумот берган эдик. Шу кун MVSM-нинг яна бир дзюдочиси Гулноза Матниёзова (-70 кг) ҳам баҳсларга қўшилди ва дастлабки босқичда Чад вакили, 1994 йилда туғилган Демос Мемнелумга қарши беллашиб, ғалаба қозонди. Иккинчи даврада Гулнозага анча жиддий рақиб, жаҳон чемпиони совриндорларидан бири нидерландиялик Санневан Дийке қарама-қарши келди. Афсуски, беллашув ҳамюртимизнинг мағлубияти билан якунланди.

Юртимиз бокс мухлислари ва бир қатор юрт бокс мутахассислари Ўзбекистон терма жамоаси таркибидаги MVSMнинг ягона вакили, амалдаги жаҳон чемпиони лейтенант Миразизбек Мирзаҳалиловнинг (-57 кг) «Токио – 2020»да ҳам совриндор бўлишини олдиндан эътироф этишганди. Бу устунлик ирландиялик Курт Антони Уокерга қарши жанг давомида ҳам яққол кўзга ташланди – чарм қўлқоп устамиз фаол ва аниқ ҳаракат қилди. Лекин... ҳакамларнинг якуний қарори жангни шарҳлаб борган бир қатор мамлакат бокс шарҳловчилари-ю, мутахассислари учун ҳам кутилмаганда тушунарсиз бўлди – ҳакамларнинг 4 нафари Уолкернинг ғалаба-

сини эътироф этди. Шу тариқа, Мирзаҳалилов Олимпия ўйинлари билан эрта хайрлашди.

ОЛТИНЧИ КУН

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг 6-кунги баҳсларини спортчиларимиз орасида MVSM дзюдочиси Муҳаммадқарим Хуррамов (-100 кг) бошлаб берди. Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтинг жадвалида 14-ўринни эгаллаб турган вакилимизга дастлабки босқичда ирландиялик Бенжамин Флетчер рақиблик қилди. Беллашувда Хуррамов яққол устунлигини намойиш этди ва «вазари» баҳоси билан ғалаба қозонди. Дзюдочимиз иккинчи беллашувини жаҳон чемпиони Арон Вольфга (Япония) қарши ўтказди. Баҳс давомида япон дзюдочиси техник томондан кучли эканини кўрсатди ва «иппон» баҳоси билан ғалабага эришди.

Боксчимиз Фанат Қаҳрамонов Токиода иккинчи марта рингга кўтарилди. Бу гал унга жаҳон чемпионати ва Осиё ўйинлари финалчиси қозоғистонлик Абилхан Аманкул рақиблик қилди. Жанг рақибнинг ғалабаси билан якунланди. Боксчимиз Турсуной Раҳимова (-51 кг) ҳам навбатдаги жангини ўтказди. Бу гал у ўз вазнининг биринчи сараланган спортчиси – туркиялик Бусе Наз Чақир ўғлуга қарши рингга кўтарилди. Жанг мурасасиз кечди, якуний қарор эса туркиялик боксчи фойдасига ҳал бўлди – 3:2.

Делегациямиз байроқдори, жаҳон чемпиони Баҳодир Жалолов «Токио – 2020» Олимпия ўйинларидаги иштирокини чиройли ғалаба билан бошлади. Озарбайжонлик Муҳаммад Абдуллаевга қарши кечган баҳсда боксчимиз ҳақиқий етакчиларга хос жанг қилди ва рақибини катта устунлик билан мағлуб этди.

XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ



АКБАР ЖЎРАЕВ ЧЕМПИОН!

Оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида даст кўтариш машқини 193 кг натижа билан якунлади ва асосий рақобатчиси арманистонлик Симон Мартиросяндан 2 кг ортда қолаётган эди. Бироқ силтаб кўтариш машқиди Акбар 237 кг натижа тошни кўтариб, Олимпиада рекордини янгилади ва рақобатчиларини ортда қолдирган ҳолда олтин медалга сазовор бўлди.

Қайд этиш жоиз, «Рио – 2016» Олимпия ўйинларида ҳамюртимиз Руслан Нурудинов олтин медаль йўлида айнан шу арманистонлик атлетни ортда қолдирган эди. Ўшанда Руслан силтаб кўтариш машқиди 237 кг тошни кўтариб, Олимпия рекордини қайд этган. Бу гал Жўраев арманистонлик спортчини ортда қолдириб, силтаб кўтариш ва иккикураш (430 кг) йўналиши бўйича Олимпиада рекордчисига айланди! Ушбу муваффақиятдан сўнг делегациямиз ҳисобидаги медаллар 2 та олтин ва битта бронзани ташкил этди.

Оғир атлетика, -109 кг:

1. Акбар Жўраев (Ўзбекистон) – 430 (193+237) кг, Олимпиада рекорди;

2. Симон Мартиросян (Арманистон) – 423 (195+228) кг;

3. Артурс Плесниекс (Латвия) – 410 (180+230) кг.

Ҳатто 2-раундда Баҳодирнинг кучли зарбасидан сўнг рефери ҳисобни очишга ҳам мажбур бўлди.

ЕТТИНЧИ КУН

Нуфузли мусобақанинг еттинчи кунги енгил атлетика баҳсларига ҳам старт берилди. Ҳамюртларимиз орасида биринчи бўлиб MVSM вакили Роксана Худоёрова баҳсларга киришди. Уч ҳатлаб сакраш дастури бўйича саралашнинг «А» гуруҳида иштирок этган спортчимизнинг энг яхши кўрсаткичи 13.02 метр бўлди ва бу натижа баҳсларнинг финал босқичига чиқиши учун унга камлик қилди.

Боксчимиз Райҳона Қодирова ёзги Олимпия ўйинларидаги дастлабки жангини Конго ДР вакиласи Юмба Наомиега қарши ўтказди ва ғалаба қозонди. Боксчимиз Бобоусмон Батуоров ва сузувчимиз Наталья Критина эса «Токио – 2020» Олимпия ўйинларидаги иштирокини якунлашди. Бобоусмон жаҳон чемпионати финалчиси британиялик Пэт Маккормакка қарши чорак финал доирасидаги жангда имкониятни бой берган бўлса, 50 метрга сузиш дастурида Наталья 26.93 сония натижа қайд этди ва бу унга баҳсларни яна давом эттириш имконини бермади.

Гарчанд нуроталик Давлат Бобонов бронза медалини қўлга киритган бўлса-да, юртимиз спорт мухлислари дзюдочиларимиздан «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида янада юқори натижалар кутишганди. Бироқ... таъкидлаш жоиз, беллашувлар асосий негизи MVSM вакилларидан иборат бўлган терма жамоамиз полвонлари учун осон кечмади ва бироз омадсиз якунланди. Хусусан, энг оғир





(+100 кг) вазли полвонимиз Бекмурод Олтибоев дастлабки босқичдаёқ икки карра Олимпия ўйинлари совриндори нидерландиялик Хенк Гролга қарама-қарши келди. Беллашув оғир кечишни мутахассислар олдиндан эътироф этишганди. Лекин вакилимиз рақибини ярим дақиқага етмай таслим этди. Олтибоев бу гал тиззада ўтириб, рақибини устидан ошириб ташлади ва «иппон» баҳоси билан ғалабага эришди. Бу ғалаба унга чорак финал эшигини очди. Унинг навбатдаги рақиб яна бир тажрибали полвон, яъни «Рио – 2016» Олимпия ўйинлари чемпиони чехиялик Лукаш Крпалек бўлди. Деярли тенгма-тенг кечган курашда рақиб «вазари» баҳоси билан устун келиб, ярим финалга йўл олди. Украиналик Якив Хамнога қарши бронза медали учун ўтиш босқичида кечган беллашувда ҳам вакилимиздан омад юз ўғирди ва Бекмурод Олтибоев яққалик баҳсларини 7-ўринда яқунлади.

САККИЗИНЧИ КУН

Олимпия ўйинлари тарихида илк бор Ўзбекистон терма жамоаси дзюдо бўйича аралаш жамоавий беллашувларда қатнашди. Нидерландия жамоасига қарши кечган баҳснинг дастлабки тўрт беллашувидан сўнг вакилларимиз 3:1 ҳисобида ғалаба қозонаётган ва навбатдаги баҳсда Давлат Бобонов ҳам рақибини мағлуб этса, терма жамоамиз чорак финалга чиқарди. Лекин... Давлат рақибига имкониятни бой берди ва кейинги аёллар беллашувида ҳам омад нидерландияликка кулиб боқди – 3:3. Олтин очко учун қўшимча раундда +90 кг вазн тоифасидагилар, яъни Бекмурод Олтибоев ва Хенк Грол ўртасидаги баҳсда омад яна нидерландияликлар томонида бўлди ва рақиб жамоа кейинги босқичга йўл олди.

31 июль куни «Кокугикан Арена»да икки нафар боксчимиз Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг) ва Элнур Абдураимов (-63 кг) ҳам рингга кўтарилиб, рақибларини мағлуб этган ҳолда чорак финалга йўл олди. Зоиров Кабо-Верде вакили Варела Даниэлдан, Абдураимов эса тожикистонлик тажрибали боксчи Баҳодур Усмоновдан устун келди.

Олимпиадага 2 та лицензия олган MVSM мергани Мухтасар Тоҳирова 50 метрдан 3 ҳолатда ўқ отиш дастурида қатнашди. Вакиламиз ҳар уч машқлар якуни бўйича 1 155 очко жамғаришга муваффақ бўлди ва ушбу дастурни 30-натижа билан яқунлади. Бундан олдин у «Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг 10 метр масофа бўйича ўқ отиш дастурида қатнашган ва 27-натижа қайд этганди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КУН

1 август куни юнон-рум кураши усталари ва энгил ат-

летикачилар ҳам баҳсларга киришишди. Полвонларимиз орасида биринчи бўлиб Элмурат Тасмурадов (-60 кг) гиламга чиқди. Ленур Темировга қарши кечган мурасасиз курашда ҳакамлар украиналик курашчи устун келганлигини қайд этишди. Фаолияти давомида учинчи марта Олимпия ўйинларида қатнашаётган маҳоратли полвонимиз Мўминжон Абдуллаев (-130 кг) эса эстониялик Артур Витининга қарши гиламга чиқди. Баҳсда тажриба ўз сўзини айтди – ҳамюртимиз 31 сония ичида рақибини мағлуб этди – 8:0. Чорак финалда курашчимизга чилилик Ясмани Фернандес қарама-қарши келди. Афсуски, деярли тенгма-тенг кечган ушбу беллашувда рақиб 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Узунликка сакраш баҳсларининг «В» гуруҳида иштирок этган энгил атлетикачимиз Дарья Резниченко 6.19 метр натижа қайд этди. Бу натижа унинг саралаш босқичдан муваффақиятли ўтиб, медаллар учун курашни давом эттириши учун камлик қилди.

Шу куни энг оғир вазли боксчимиз Баҳодир Жалолов ҳиндистонлик Сатиш Кумарга қарши рингга кўтарилди. Чарм қўлқоп устамиз жангда яққол устунлик билан ғалаба қозониб, ярим финалга йўл олди ва камида бронза медалини нақд қилиб қўйди.

Оғир атлетика бўйича баҳсларда қатнашган ҳамюртимиз Кумушхон Файзуллаева (-76 кг) даст кўтаришда 101 кг,

силтаб кўтаришда 126 кг, умумий ҳисобда эса 227 кг натижа қайд этди. Бу натижа билан у «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида 6-ўринни эгаллади. Ушбу вазн тоифасида эквадорлик Нейси Дахомес умумий ҳисобда 263 кг кўрсаткич билан ғолиб чиқди. Кумуш медаль АҚШ, бронза медаль эса Мексика вакиллариغا насиб этди.

ЎНИНЧИ КУН

2 август куни энгил атлетиканинг босқон улоқтириш йўналиши бўйича саралаш баҳсларига ҳам старт берилди. «А» гуруҳи баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Сухроб Хўжаев ўзининг Олимпиада ўйинларидаги энг яхши кўрсаткичини қайд этди – 71.26 метр. Учунчи марта Олимпия ўйинларида иштирок этаётган Хўжаев «Лондон – 2012»да 65.88 метр, «Рио – 2016»да эса 70.11 метр натижа кўрсатганди.

Юнон-рум курашчимиз Жалгасбай Бердимуратов илк беллашувини арманстонлик Карапет Чалянга қарши ўтказди. 1/8 финал доирасидаги ушбу баҳсда жисмоний куч ва техник жиҳатдан устунлик қилган рақиб ғалаба қозонди.

ЎН БИРИНЧИ КУН

2019 йил энгил атлетиканинг уч хатлаб сакраш йўналиши бўйича Осие чемпиони бўлган ҳамюртимиз Руслан Курбанов учун жорий Олимпиада ўта муваффақиятсиз яқун топди. Жорий мавсум 17.03 метр натижа билан ўзининг шахсий рекордини янгилашга эришган



БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ ФИНАЛДА!

Бокс бўйича жаҳон чемпиони, XXXII ёзги Олимпиада ўйинларидаги спорт делегациямиз байроқдори Баҳодир Жалолов Токиода кетма-кет муваффақиятларга эришиб, финалга йўл олди ва яна бир медални нақд қилиб қўйди.

Супер оғир (+91 кг) вазн тоифасида рингга кўтарилаётган боксчимиз аввалига озарбайжонлик Муҳаммад Абдуллаев, сўнг ҳиндистонлик Сатиш Кумарга қарши жангларда яққол устунлик билан зафар қозонганди. Жалолов ярим финалда ҳам юқори даражали бокс намойиш этди. Унга бу босқичда британиялик Фрейзер Кларк қаршилик кўрсатди. Шиддатли ва мурасасиз руҳда кечган жангда Жалолов кучли зарбалари билан рақибини ожиз қолдирди. Шундай бир вазиятда, аниқроғи 3-раунд ўтиб бораётган бир вақтда жанг шифокорлар томонидан тўхтатилди – Кумар қоши ёрилгани, яъни жароҳат олгани сабаб баҳс охиригача етмади. Ўша вақтгача ҳисобланган очколар сони бўйича Жалолов яққол устунлик қилганлиги ҳакамлар томонидан эътироф этилди ва боксчимиз финалга чиқди.

Олимпия олтин медали учун финал жанги 8 август куни ўтказилади. Ярм финалда қозоғистонлик Қавшибек Кўнкабаевни мағлуб этган АҚШ вакили Ричард Торрес бизнинг боксчимизга рақиблик қилади. Бу боксчилар Екатеринбургда ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзаро тўқнаш келган ва у жангда Жалолов Торресни нокаутга учратганди.

вакилимиз «Токио – 2020»да берилган имкониятлардан умуман фойдалана олмади ва мусобақани натижасиз яқунлади. Ҳа, катта спортда кутилмаганда шунақаси ҳам бўлади ва уч хатлаб сакраш шу жиҳатлари билан ҳам қизиқарли.

Юртимиз спорт мухлислари боксчиларимизнинг Токио шаҳридан ҳам «Рио – 2016» Олимпия ўйинларидаги каби медаллар шодаси билан қайтишини кутишганди. Аввалига тўрт нафар боксчимиз совриндор бўлишга яқин борди. Лекин... медаллик бўлишга бир баҳя қолганда, яъни чорак финалгача муваффақиятли етиб борган тўрт нафар боксчимизнинг уч нафари ярим финалга ўтиш босқичида рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Хусусан, Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг) ярим финал остонасида филиппинлик Карло Паламга қарши рингга кўтарилди. Иккинчи раунд жангда боксчиларнинг бош тўқнашуви юз берди ва шифокорлар Зоировнинг жароҳати сабаб жангни давом эттиришига рухсат беришмади. Бундай вазиятда қоидага кўра, ўша пайтгача олинган очколар ҳисоб-китоб қилинади. Афсуски, бу борада устунлик филиппинлик боксчи томонида бўлган ва вакилимизнинг мағлубияти қайд этилди. Шу куни боксчиларимиз Элнур Абдураимов (-63 кг) ва Райҳона Қодирова (-60 кг) ҳам ярим финалга чиқиш учун жанглариини ўтказишди. Абдураимов арманстонлик Ховханнес Бачковга имкониятни бой берган бўлса, Қодирова амалдаги жаҳон чемпиони бразилиялик Беатриз Феррейрани мағлуб этолмади.

3 август куни юнон-рум курашчимиз Рустам Аскалов (-87 кг) жаҳон чемпиони Лаша Гобадзегга қарши беллашиб, ажойиб ғалабага эришди. 2019 йил -82 кг вазн тоифасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ва эндиликда Олимпия ўйинларида -87 кг вазн тоифасида курашаётган грузиялик полвон ҳамюртимизга қарши беллашувда ҳам юқори маҳорат кўрсатди ва аввалига ҳисобда олдинда борди. Аскалов эса ана шундай қийин вазиятда ўзида қўшимча куч топди ва ирода намойиш этган ҳолда ғалабани илиб кетди. Мухлислар жаҳон чемпионатларида ҳам икки марта ана шу тарзда совриндор бўлган спортчимизнинг Токиода ҳам медаллик бўлишига умид боғлаган бир вазиятда тескариси рўй берди. Чорак финалда Аскаловга хорватиялик Иван Хуклек рақиблик қилди ва мурасасиз кечган курашда Хуклек 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»





24 OKTABR 2021-YIL SAYLOVI
O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур рукн остида берилаётган савол-жавоблар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослангилган тарзда тушунишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

гесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсиясига кўра, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тасдиқланади.



1. Сайлов комиссиялари нима?

Сайлов комиссиялари бу – сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни ташкил этадиган ва таъминлайдиган коллегиал орган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари тизимига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;
округ сайлов комиссиялари;
участка сайлов комиссиялари.



2. Сайлов комиссиялари фаолиятига аралашуш мумкинми?

Сайлов комиссиялари давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансбдор шахслардан мустақил ҳисобланади.

Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув жавобгарликка сабаб бўлади.



3. Марказий сайлов комиссияси нима мақсадда тузилади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятини доимий асосда амалга оширади.



4. Марказий сайлов комиссияси қандай тартибда тузилади?

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кен-



5. Марказий сайлов комиссиясининг қарори барча учун мажбурийми?

Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.



6. Сайлов округлари қандай тартибда тузилади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда сайловдан камида етмиш беш кун олдин, **яъни 2021 йил 10 августгача** Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.



7. Округ сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай тузилади?

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида, яъни 2021 йил 15 августгача комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз – ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.



8. Округ сайлов комиссияси аъзоларини ким тавсия этади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар



9. Округ сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга?

Округ сайлов комиссияси:
– тегишли ҳудудда сайлов қонунчилиги ижроси устидан назоратни амалга оширади;

– сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

– участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

– сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчиларни хабардор қилади;

– участка сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қилади;

– номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш тенг шароитларни таъминлайди;

– сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

– сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

– сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

– сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

(Давоми бор)

Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
томонидан тайёрланди.

OLTIM TARIX

ШЕРДОР – ЯЛАНГУШБИЙ БАҲОДИР ОРЗУСИ

(Боши газетанинг ўтган сониди)

Қизил тўнтариш

Етмиш беш йил уни «Улуғ октябрь инқилоби» номи билан атаб келишди. Унга нисбатан «тўнтариш» атамаси бирорта дарслик ё шўро олимлари тадқиқотларида ёзилмасди. Туркистон аҳолисининг жуда катта қисми унинг «тўнтариш» эканини билмасди. Уни «Улуғ ва шарафли инқилоб» сифатида байрам қилишарди.

Бу тушунча ҳозир анча ўзгарди. Шунга қарамай, унинг «тўнтариш» эканини ҳозир ҳам англаш ва ҳис қилиш асл аҳволдан қийинроқдир. Туроннинг – миллат, эътиқод (масжид), маърифат (мадраса), маънавият (кўҳна қўлёзма асарлар, тарихий ҳужжатлар, меъморий обидалар, қалъалар...) каби барча соҳаларини алоҳида олиб, махсус тадқиқ этишга киришган тадқиқотчи у ўта кўрқинчли тўнтариш бўлганини ҳам кўради, ҳам ҳис қилади, ҳам аниқ-тиниқ англайди. Шу урида мукамал манзара тасвири пайдо бўлади. Шердор мадрасаси шу тасвирнинг қимматли бир бўлагидир.

Қизил тўнтариш Туркистонда бирорта миллий олий ўқув юрти, минг йилдан ортиқ тарихли таълим тизимидан асар ҳам қолдирмади. Ҳаммасини тўнтарди... Туркистон қавми ҳатто, минг-икки минг йиллик маърифий ҳаётдан уяладиган бўлиб қолди. Ҳар куни ундан узоқлашиб, бегоналаша бошлади. Тарихи қанчалик чуқурлаша, уяти шунчалик ортиб боради. Вяткин, Семёнов, Остроумов, Бартолд, Массон... каби кўплаб рус олимларининг меҳнатлари бу уятни фақат кучайтирарди. Улар ҳозир ҳам шундай вазифани бажаришдан тўхтагани йўқ. Улар Туркистон шарафини улуғлаш, халқига миллий шуқуқ бағишлаш учун тер тўкишмагани. Улар Русия салтанати истило қилган ўлкасида мустабид бошқарув тизгинини мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратини аямай хизмат қилишганди. Қизил тўнтариш ҳокимият тепасига олиб келган шўроларга ҳам уларнинг ишлари жуда қўл келди ва улардан моҳирона фойдаланилди. Жиззах, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Денов, Хўжанд, Ўратепа каби кўҳна қалъалардан ном-нишон қолмади. Самарқанд қалъаси ҳам бу қисматдан қочиб қутула олмади. Дунё сайёҳлари, илм ва ижод аҳли фахр ила «фирдавсмонанд» дея таърифлаган қадимий қалъанинг на девори ва на дарвозалари қолди.

Шўроларнинг ўша машҳур тўнтариши амалга ошгач, барча тарихий ўқув масканлари каби Шердор мадрасасида ҳам кўп асрлик анъанавий таълим фаолияти тўхтади. Ботурхон Валихўжаев XX асрнинг 20-йилларида ушбу даргоҳ мусиқа ўқув юртига айлантилгани ва унда хонанда – ҳофиз ҳожи Абдулазиз, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаолият олиб боргани ҳақида ёзади. Шашмақом билимдони Юнус Ражабий, Толиб Содиқов, Мухтор Ашрафий ва Тўхтасин Жалилов каби бастакорлар Шердор мусиқа билим юртида таълим олган экан.

Айрим манбаларда машҳур олим Шаҳобиддин Маржоний ушбу ўқув даргоҳида қози Абу Саъид Самарқандийдан таълим олгани ва илм билан машғул бўлгани нақл қилинади.

Қомус ва интернет нима дейди?

Самарқандни дунёга танитган, улкан ва беқиёс санъат асарлари даражасидаги меъморий обидаларни қурдирган тарихий шахслардан бири Ялангушбий Баҳодир ким эди? Тез ва ишончли маълумотга эга бўлиш учун яна Ўзбек Миллий Қомусига мурожаат қиламиз.

Аммо Миллий қомусдаги маълумотларнинг бирортаси Ялангушбий ҳаётига қарийб боғланмади. Сатрлар муаллифининг ўзи ҳам қийналгани билинди. Ишнинг илк босқичларида манбалар ва илмий адабиётлардаги маълумотлар масаласида танқисликка дуч келишни сира ўйламагандик. Бу олий ўқув юрти дунё аҳлининг эътиборини қозонган ва чексиз олқишларга сазовор бўлгани, кўҳна



Самарқанднинг ёрқин тимсолларидан бирига айланганига қарамай, тарихий маълумотларга жуда қашшоқ ва борлари ҳам жуда чалкаш бўлиб чиқди. Ушбу тадқиқот жараёни бизни жуда ҳайратланарли ва ачинарли манзара қаршисидан олиб чиқди.

Интернетнинг машҳур «Vikipedia» тармоғи ҳам қидирганга керакли ахборотни бера оладиган аҳволда эмас экан. Унда ёзилганлар узук-юлуқ маълумотлар йиғиндисидан ҳосил бўлган ахборотлардир. Қардош қозоқ халқи мутахассислари ҳам бу мавзуга катта эътибор қаратгани, бироқ масалани ёритишда ишончли манба тополмаётгани яққол билинади. Ялангушбийга тааллуқли ахборотлар турли манбаларда сочилиб ётибди. Бу вазият ҳар қандай тадқиқотчини қийнаб қўяди.

Маълумотлар сафи

Ҳозирги ҳолатда биз ҳам Ялангушбий Баҳодир таржимаи ҳолига оид ўқувчининг билиш эҳтиёжини қондирадиган даражадаги тафсилотли ахборот беришни уddалай олмаймиз. Иш чоғида у тўғрида учраган баъзи маълумотларни тартибга солишга ҳаракат қилдик.


Маҳмудхожа Бехбудий қахрамонимизни Абдукарим Ялангуш Баҳодир деб атайд.

Ялангушбийнинг замондоши Маҳмуд ибн Вали у ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Исми Хитой Баҳодир, жасур нўён, ишбилармон амир, олчин қавмидан эди. Сигноқнинг Азоқ мавзидан келиб, Динмуҳаммадхон хизматига кирди. Сидқидилдан хизмати туфайли унинг ишончини қозонди ва яқинларидан бирига айланди. Надр Муҳаммадхон даврида мартабаси ошиб, оталик мақомига етишди.

Дарайи Суф, Мулган, Коҳмард вилоятлари; Тулкичи, Сайқанчи, Зеранги, Килаги, Ҳазораи Некудари қабилаларига тегишли туманлар; Фазна, Қандаҳор, Заминдовар, Фур, Хуросон ҳудудларига бўлган қабилалар ерлари унга иқтоъ тариқасида инъом этилганди. Қандаҳор, Сийистон ва бошқа вилоятлар ҳокимлари унинг қаршисида титраб, бош эгиб турарди. Билганлар унинг бойлиги давлат хазинасига тенг экани, нуфузи подшоҳларникидан қолишмаслигини айтади».

Бошқа бирламчи манбаларда Ялангушбий ҳақида сўз борганда у ўзбек қавмининг олчин уруғи улуғларидан Бойхожибийнинг ўғли экани таъкидланади. Бу маълумот унинг қабртошига ҳам битилган экан.

Маҳмуд ибн Вали асарида Ялангушбийга тааллуқли ишончли ва муҳим маълумот бераётганга ўхшайди. Лекин уларда парокандалик бор. Ялангушбийнинг Сигноқдан Динмуҳаммадхон хизматига келиши воқеаси шу пайтгача бу мавзуда ёзилган тадқиқотлардаги ахборотларни бузиб юборади. Динмуҳаммадхон аштархонлиларнинг амалдаги биринчи мустақил ҳукмдори эди. У Абдуллахон ибн Искандархон даврида Сийистон (1580 – 1586) ва Жом вилояти ҳокими (1586 – 1598) эди. 1598 йили июль ойида шайбоний Абдумўминхон ибн Абдуллахон Зоминда ўлдирилгач, Динмуҳаммадхон Ҳиротни эгаллайди ва отаси Ёрмуҳаммадни хон дея эълон қилади. Қисқа фурсатда Марв, Хуросон ҳудудларини ҳам ўзига тўлиқ тобе қилади. Эрон ҳукмдори шох Аб-



бос 1598 йили июль ойида Ҳиротга катта қўшин тортиб келади ва Пули салор мавзесида бўлган қақшатқич жангда ғалаба қозонади. Кам сонли қўшин билан душманга қарши чиққан Динмуҳаммадхон ушбу савашда ўлдирилади.

Маҳмуд ибн Валининг Ялангушбий ҳақидаги маълумотларини бу воқеаларга қандай татбиқ этса бўлади?

Ялангуш Баҳодир ва олчинлар

Ялангуш Баҳодир номи илк бор ҳижрий 1014 йилги (1605 – 1606) манбаларда кўрина бошлайди. У мазкур йили Ойбегим Хожа Ҳошим Аҳрорий қизи вакили меҳтар Калит ибн Абдуллоҳдан 4 350 кумуш тангага (ҳозирги Оқдарё ва Иштихон туманининг бир қисми бўлган) Офаринкент туманидаги Яримтуғ мавзесида ер сотиб олади. Ушбу ер кейинчалик Шердор ва Тиллакори мадрасаси учун вақф қилинади.

Ялангуш Баҳодир ҳижрий 1019 йили (1610 – 1611) Имомқулихоннинг назарига тушиб улгурганди. Олий ҳукмдор мазкур санада унинг Офаринкент туманига қарашли Жалоир мавзесидаги ерларига «мулки хур» мақоми берилиши тўғрисида фармон чиқаради. Бунинг учун у ушбу ҳудуддаги ерларнинг 2/3 қисмини давлат ихтиёрига топширганди. Шу тариқа Шердор ва Тиллакори мадрасалари вақф мулкларининг айримлари солиқдан озод қилинган ерлар эди. Мулкларининг кўпайиши ва олди-сотди ишлари Ялангушбий ҳаётининг сўнгги даврларига гача давом этади. Бу тўғрида бир неча тарихий ҳужжатлар сақланиб қолган. Улар айна пайтда Ялангушбий шахсини англаш ва таржимаи ҳолига аниқликлар киритишга кўмаклашади. Сочилиб ётган маълумотларни ишончли тарзда битта мавзу доирасида бирлаштиришга хизмат қилади.

Ялангуш Баҳодирнинг туғилган йили аниқ эмас, тадқиқотларда турлича ёзилган. Аммо 1605 йилда у бой-бадавлат киши эди. У тарихда дастлаб, Офаринкент туманида пайдо бўлади. Худди шу ҳудудда Олчин қишлоғи ҳам бор эди ва унинг катта бир қисми Ялангушбий мулки эди. Унинг айрим ерлари Шердор ва Тиллакори мадрасасига вақф қилинган. Деярли барча муаллифлар Ялангушбий ўзбек қавмининг олчин уруғидан эканини таъкидлайди.

Ялангушбий кўп тармоқли уруғнинг таниқли вакили эди. Тарихий ҳужжатлар унинг ҳаёти Самарқанд шаҳрига яқин Оқдарё ва Қорадарё оралиғида яшовчи Офаринкент олчинлари билан чамбарчас боғланиб кетганидан дарак беради.

(Давоми бор)

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзРФА Шарқшунослик институти
катта илмий ходими

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскар ва уларнинг ота-оналари учун «Ота-онага эҳтиром» мавзусида онлайн конференциялар ўтказилапти. Ота-оналарга ва муддатли ҳарбий хизматчиларга чексиз қувонч бағишлаган навбатдаги онлайн конференция Зангиота туманида жойлашган ҳарбий қисмда бўлиб ўтди.

«ҲЕЧ ҚАЧОН ЮЗИМИЗНИ ЕРГА ҚАРАТМА...»



Унда фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммедова, шоира Умида Абдуазимова, республикаимизнинг турли ҳудудларида йигитлик бурчини ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва ҳарбий қисм жамоаси иштирок этди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ташкил этилаётган онлайн конференцияда муддатли ҳарбий хизмати давомида ўзининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён этган, намунали хулқи ва қатъияти билан ажралиб турган аскарларнинг ота-оналарига ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан «Ташаккурнома»лар тақдим этилди.

– Биттаю битта ўғлимни Ватан ҳимоясидек ша- рафли бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга жўнат-

дим, – дейди оддий аскар Давлат Тулебаевнинг она- си Фотима Давлетова. – Оиламизда унинг ўрни жуда билинади. Соғинччи-ку, энди айтмай қўяверай. Пандемия сабаб Қашқадарё вилоятида йигитлик бурчини ўтаётган ўғлимнинг ҳолидан хабар олиш- нинг имкони бўлмаётган эди. Мана шу конферен- цияни ташкиллаштирган ташкилотчиларга раҳмат. Ўғлим билан онлайн бўлсада, дийдорлашдим. Ўғлим болалигидан қашқар ва афғон рубобини мукам- мал чалиш бўйича халқаро мукофотларга сазовор бўлган. Дилбандимнинг келажагидан умидларим катта. Ҳозир гаплашиб, сездимки, анча улғайибди. Гапларида вазминлик, босиқлик бор.

– Ота-онамни кўриб, ўзимга бўлган ишонч ва масъулият янада ортди, – дейди оддий аскар Жа- воҳир Эркинов. – Сурхондарё вилоятида яшаётган ота-онамнинг: «Ҳеч қачон юзимизни ерга қарат- ма», деган гаплари менга жуда катта мотивация берди. Ватанга садоқат билан хизмат қилишга қасамд қилганмиз ва шунга доим содиқ қоламиз.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

Эътироф

Чегарачи ўғлонларнинг ота-оналари ҳаммиша эътиборда

Шу кунларда ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилиб, мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамда жанговар хизмат фаолиятида юқори на- тижаларга эришган бир қатор ёш ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларига ташриф буюриб, ота-оналарига Чегара қўшинлари қўмондонининг «Ташак- курнома»лари тантанали тарзда топширилмоқда.

Албатта, ўз фарзандининг камолини кўриш, ҳар бир ота-она орзуси. Республикаимиз бўйлаб амалга оширилаётган ташрифлар давомида кўплаб ёш ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларига шодлик улаштириб, Ватан олдидаги хизматлари алоҳида эътироф этилмоқда.

Навбатдаги ташрифлар Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан Ёшлар ит- тифоқи шаҳар кенгаши вакиллари ҳамроҳлигида амалга оширилди. Капитан Ш. Жумабоев, катта лейтенант С. Муродов, кичик сержант Ж. Бойқо- биллов ва оддий аскар Қ.Тоировнинг ота-оналари ҳам ана шундай «Ташаккурнома» соҳиби бўлган бахтиёр инсонлардан.

– Фарзандимиз ҳарбий бўлганидан бениҳоят хурсандимиз, – дейди кичик сержант Жаҳонгир Бойқобиловнинг онаси Шоҳида Мейлиева. – Ўғ- лим ёшлигидан ҳарбийликка қизиққан. Тўғриси, бошида жуда қўрққанман. Чунки ҳарбий либосни кийишнинг ўзига яраша масъулияти ва машаққа- ти борда. Аммо Жаҳонгирнинг қатъияти, иродаси ва интилувчанлиги барча қўрқувларимни йўққа чиқарди. Бугун хонадонимизга унинг командири, сафдошлари ва бир гуруҳ ёшлар кириб келишди, мен билан отасига миннатдорчилик билдириб, Чегара қўшинлари қўмондонининг «Ташаккурно- ма»сини топшириганида қувончим ичимга сиғ- май кетди. Ўғлим билан жуда фахрландим. Чунки ота-она учун фарзанди ортидан раҳмат эшитиш



жуда қувонарли ва йиллар давомида кутилган ҳолат. Жаҳонгирим ишончимизни оқлади. Бугун мен дунёдаги энг бахтиёр оналардан бириман.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир хонадонда ку- затилган ана шундай қувонч кўзёшлари, чексиз бахтиёрлик ҳисси ва кўтаринки кайфият, ташриф буюрувчиларнинг ҳам кўнглини тоғдек кўтарди.

Зеро, куну тун сарҳадларимизда сергак туриб, она юрт тинчлигини кўз қорачиғидек асраётган ўғлонлар хизмати ҳамда уларни камолга етқа- зиб, Ватан ҳимоясига йўллаган ота-оналарининг меҳнати ҳаммиша эътибор ва эътирофда эканининг далолатидир, бу.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
ДХХ Чегара қўшинлари

Энг устувор вазифа — халқни рози қилиш

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Қуролли Кучлар сафида Қашқадарё вилоя- тида хизмат қилаётган ҳарбий хиз- матчилар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерлар учун сайёр оммавий қабул ташкил этилди.



Сайёр қабул Қарши шаҳридаги Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти Маданият марказида ўтказилиб, унда Республика Ҳар- бий прокурорининг ўринбосари адлия под- полковниги Сарвар Мухитдинов бошчилигида Қарши ҳарбий прокурори, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти Халқ таълими, Мактабгача таълим ва Соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари, «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, вилоят ҳудудий газ таъминоти корхонаси мутахассислари, Марказий банк ва «Ипотека» АТБ Қашқадарё филиаллари вакиллари ҳамда Мажбурий ижро бюроси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари Қарши шаҳар бўлимлари ходимлари, шунингдек, бошқа мутасадди идоралар вакиллари жалб қилиниб, жами 95 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Қабулда 24 нафар ҳарбий хизматчи, Қуролли Кучлар хизматчилари ва бошқа фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Шунингдек, жараёнда тегишли мутахассислар томонидан иш билан банд бўлмаган ҳарбий хизматчилар оилалари ва уларнинг меҳнатга лаёқатли фарзандлари учун айна вақтдаги бўш иш ўринлари ҳам таклиф этилди.

Келиб тушган мурожаатларнинг 7 таси тегишли ташкилот ва масъул идораларга йўнал- тирилиб, ижроси ҳарбий прокуратура томони- дан назоратга олинган бўлса, 17 нафар муро- жаатчига қонуний тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга, тадбирда иштирок этган Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасида узоқ вақт мобайнида хизмат қилаётган, ногирон фарзанд тарбиялаёт- ган, боқувчисини йўқотган хизматчиларга Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбо- сари томонидан миннатдорчилик сифатида эсдалик совғалар топширилди.

Тадбир сўнгида аҳоли ўртасида китобхон- ликни кенг тарғиб қилиш мақсадида қабулга ташриф буюрганлар ва унда иштирок этган- лар учун кўчма китоб ярмаркаси ҳам ташкил қилинди.

Адлия подполковниги
Жаҳонгир АШУРОВ,
Қарши ҳарбий прокурори

TURMUSH CHORRAHASI



ЖАҲОЛАТ

(ВОҶЕЙ ҲИКОЯ)

– Тинчликми, қизингнинг қовоқ-тумшуғи осилган, саломиям чала-ярим, – кўчадан қайтган Самиддин уста уй ичига бошини эгганча кириб кетган қизининг ортидан нигоҳини узиб, хотинига савол назари билан қаради.

– Ўқишга топширмайсан, деганингиз учун Зиннуранинг неча кундан буён кайфияти йўқ, – қовоғи уйилган эрининг юзига қарамасликка ҳаракат қилди Лалихон опа. – Бу сенинг тарбиянг меваси! – захил юзи баттар кўкарди эркакнинг. – Отанинг ҳар бир гапини ҳурмат қилишни, қарорига бўйин эгишни болаларга сен ўргатишинг керак.

– Ўғил-қизларингиз бирор маротаба юзингизга қарагани йўқ, айтганингиз айтган, деганингиз деган. Зиннурани билан Акифа ёшлигидан муаллим бўламиз, дейди. Ўқишга йўл берсангиз, нима қилади, дадаси? – ўпқаси тўлди аёлнинг.

– Икки акаси ўқимади, қизларинг ўқиб, нима бўларди? Қиз бола бировнинг хасми, муаллим бўлгунча оила ишларини ўргансин. Ўғилларинг ўқиганида бошқа гап эди.

– Ўғилларингиз ўқишга қизиқмади, бир амаллаб мактабни тугатди. Иккиси ҳам сизнинг йўлингизни танлаб, уста бўлди. Майли, эркакнинг ризқи кўчада, дейишди. Аммо қизларингизнинг билими яхши. Ўқитсак...

– Ўчир овозингни! – ўшқирди Самиддин уста. –

Мен ҳунар ўрганиб, кам бўлганим йўқ! Қишлоқда «уста» деган номим бор. Ҳамма ҳурмат қилади. Қизларингни Ҳалима чеварга шогирдликка бер, тикувчиликни ўргансин. Муносиб жой чиқса, Зиннурани бу йилдан қолдирмай узатиб юборамиз. Акифа ҳам қулоғига қуйиб олсин: мактабни битирса, катта гап! Ўқиш-пўқиш деган гапни бошқа эшитмай!

Ота-онасининг ўзаро баҳсини уй ичида эшитиб турган Зиннурани йиғлаб юборди. Онасининг, «отангни кўндирман, институтга топширасан», деган сўзига умид қилиб турган қизгина орзулари поймол бўлаётганига қалтираган кўйи ўзини йиғидан тўхтата олмасди. Буни сезиб турган Лалихон опа бу гал эрининг фикрига анчайин қарши чиқди:

– Бир пайтлар менинг отам ҳам сизнинг йўлингизни тутган. Шифокор бўлиш дилимда армон бўлиб қолди. Ўзим ўқимаганим учун қизларимни, албатта ўқитаман, деб орзу қилганман, – эрининг юзига алам ва армон билан қаради аёл. – Бир умр остонангизда қўлим косов, сочим супурги бўлди. Болаларда менинг ҳам ҳаққим бордир...

– Ҳаққинг йўқ! – хотинининг гапи тугар-туғамас қичқирди эркак. – Умуман ҳаққинг йўқ! Бу уйда фақат менинг айтганим бўлади! Ўқиган тақдирингда ҳам ишлатмаган бўлардим. Битта

хотинни боқолмаган, кўчага чиқариб ишлатиб қўйган эркак эркакми?

– Қанча амалдорларнинг, ҳокимларнинг, вазирларнинг аёллари турли вазифаларда ишлайди. Ҳурмат-эътиборда, эл назарида, юртга фойдаси тегапти. Ўша эркаклар хотинини боқолмас экан-да а?

– Сен ҳали менинг устимдан куладиган бўлдингми?! – хотинининг гапига жавоб тополмаган Самиддин уста қўллари мушт ҳолда хотинининг устига бостириб келди...

Эр-хотиннинг тортишуви Лалихон опанинг калтаклаши Зиннуранинг онасини асраш учун отасига берган ўқимаслик ҳақидаги ваъдаси билан якун топди...

– Учта бола отасиз қолди, етим қолди, – бошини сарак-сарак қилиб ўзини йиғидан тия олмасди Лалихон опа. – Зиннурани кўзим болаларини қандай эплайди энди? Бир томонда эрта оламдан ўтган эрининг қайғуси, бир томонда болалари, бевалик қисмати. Навқирон йигитга бедаво дард қайлардан ёпишди-я.

– Умри калта экан, дардига даво топилмади. Ғам чекиб, дийдиё қилганинг билан куёвинг қайтиб келармиди?! – «бўлди қил» дегандек хотинини жеркиб берди Самиддин уста. – Шукур қил, қизинг, невараларинг соғлом. Ризқини Худо беради.

– Худо дегин-у, бир бутани ушлагин, деган. Вояга етаётган болаларини тўйдириш, кийинтириш, рўзгор камчиликларини бутлаш қўлида касб-кори йўқ қизингиз учун осон деб ўйлайсизми? Янги бошлаган иморатининг битта хонасини тўғрилаб эндигина кўчиб кирганди.

– Қайнона-қайнотаси қараб турмас. Бу томонда биз бор, акалари бор.

– Қизиксиз-да, дадажон, – оила катталарининг гапини эшитиб турган кичик келин Назорат суҳбатга қўшилди. – Ўзи топганимизни уч йилдирки Акифахон уйига ташийди. Эри Россияга ишлагани кетгандан буён иккала боласи билан қўшиб боқамиз. Эрининг пули тугул ўзидан ном-нишон йўқ. Энди камига Зиннуранимми?

– Бу нима деганингиз, қизим? – мўмин-қобил келинининг гапидан донг қотди Самиддин уста.

– Сиздан ҳеч ким маслаҳат сўрагани йўқ, Назоратхон, – йиғидан тўхтаб, келинига ҳайрат билан тикилди Лали-

хон опа. – Қайғули, қийналган дамларида жигарлари ёрдам қилмаса, ким ёрдам беради?

– Ёрдамнинг ҳам меъёри бор-да, аяжон. Ўзини ўзи эплаш ҳам керак-ку! Қўлида касби бўлмаса, опа-сингиллар мардикорликка чиқсин. Тирикчиликнинг уяти йўқ.

– Шу гапни айтишдан юз-хотир қилсангиз бўларди, келин, – Назоратнинг «мардикорликка чиқсин», деган сўзидан юраги қалқиб кетди Лалихон опанинг. – Мардикорлик деганингиз нимаси? Ака деган шундай пайтда таянч бўлмаса, қачон таянч бўлади?

– Ўғлингиз ҳам ердан супуриб олаётгани йўқ, – кесатик ила дона-дона қилиб фикрини давом эттирди келин. – Рўзгорни бут қиламан деб чарчаб қоляпти. Худога шукур, ота-онам ҳамшираликка ўқитиб қўйган экан, ишлаб, ўзимни ўзим эплайман. Кўпчиликка, оилага фойдам тегапти. Улар ўқимагандан кейин мардикорликка чиқади-да...

Келинининг гапидан Лалихон опанинг бир дарди икки бўлди. Арзимас гапга аёли ва қизларига ўдағайлайдиган Самиддин уста эса нафиса ичига тушган кўйи жим қолди. Энг ёмони, келини билан ўзаро баҳс пайти ташқаридан кириб келган ўғли Нурилло бу тортишувда хотини томон бўлди. Бўлиб ўтган ишлар Лалихон опани ёстиққа муҳрлади...

– Келин билан ўғлингизнинг муомаласини баҳона қилиб, ётиб олдингми? Дам олишинг учун сенга баҳона керак эди ўзи! – зарда қилди хотинига Самиддин уста. – Келининг болаларидан ортиб, ҳалигача тушлик тайёрлагани йўқ. Ўрнингдан туриб, унга ёрдамлашсанг бўларди!

Кўзидан унсиз ёш қуйлаётган аёл аламини ичига ютди. Эрининг шафқатсизлиги, нописандлиги кўксига исён кўтарарди. «Эрим, болаларим олдида заррача қадрим йўқ, ўрним йўқ. Шу эркак менга озгина меҳр берганида, келин юзимга сапчи-маган, ўғлим ҳурмат қилган бўларди. Қизларимни ўқитмади, ўқитмади жоҳил... – қизларининг бахтсизлигини ўйлагани сари аёл овозининг борича йиғлагиси, кўксига тугун бўлиб турган фарёдини йиғи билан чиқариб юборгиси келарди. – Оёққа туришим керак, қандай қилиб бўлса ҳам оёққа туришим керак. Қизларимга таянч бўлишим зарур...»

Ўзини бир амаллаб қўлга олган ранги афтода Лалихон опа тонг саҳар кийим-кечаклари солинган тугунни

бағрига босганча қизи Зиннуранинг уйига йўл олди. Ён қўшнининг уйига ҳам эридан рухсат сўраб қирадиган аёл ортига қарамади...

– Худога шукур, боғчага ишга жойлашиб олдинг, – кечки таом устида қизига меҳр билан термилди Лалихон опа. – Энди сиртдан ўқишга топширсанг бўлади.

– Удалай олармиканман, аяжон? Ишим, болаларим, ҳовли юмушлари...

– Албатта удалайсан, мен ёнингданман-ку! Болаларингизга ўзим қарайман. Синглинг Акифа ҳам ишга кириб олсайди, кўнглим хотиржам тортарди.

– Унга ҳам иш гаплашиб қўйганман. Кўнглингизни тўқ қилинг, аяжон. Менга ўхшаб тарбиячига ёрдамчи бўлади. Маоши кўп бўлмаса ҳам ҳар ойда қўли пул кўради. Кейин, сиз айтгандек, иккимиз ҳам сиртдан институтга топширамиз.

Қизининг дадиллигидан, кўзларидан умид учқундан Лалихон опанинг қароғларига ёш тўлди. Онасининг дилида кечаётган меҳр туйғуларини ҳис қилиб турган Зиннурани аста келиб унинг кўксига бош қўйди.

– Ўзимнинг меҳрибоним, куюнчагин, тоғдек таянчим. Сиз бўлмасангиз, мен нима қилардим?

– Ҳаммаси яхши бўлади, қизим, – ҳаётнинг тўфонли синовларига эрта рўбарў бўлган қизининг бошини силади онаизор. – Эзгу ният, эзгу ҳаракатингни сўндирмасанг бўлгани, болам.

– Фақат дадамни кечиринг, сизсиз жуда ёлғизланиб қолди, – онасига ялинди Зиннурани. – Қайсарлиги сабаб ёнингизга кела олмаяпти. Кеча бориб кўриб келгандим, қайта-қайта сизни сўрашди. Кейин ҳовлимдаги томорқа билан қизиқишди. Келиб ёрдам қилгилари бор. Акаларимга ҳам роса қадрингиз билинибди. Сезишимча, улар иморатимнинг қолган хоналарини битириб беришмоқчи. Мен рози бўлмадим. Аммо дадам...

Лалихон опа жавоб қайтаришдан кўра, сукут сақлашни лозим топди. Ўз вақтида эрининг жоҳиллигига имконсизлиги, ночорлиги сабаб қарши тура олганидан кўксини тошдек босиб турган алам ортага чекингандай бўлди. Фарзандлари нурли кунларга юз тутаетганидан кўнгли хотиржам тортди...



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури кўрсаткичи – дунё мамлакатлари таълим даражаси (умумий аҳолига нисбатан катта ёшли саводхон кишилар ва таълим олаётганларнинг улуши) индексига кўра, кучли ўнлик қуйидагича:

1	Германия	0.943
2	Норвегия	0.930
3	Буюк Британия	0.928
4	Финляндия	0.927
5	Исландия	0.926
6	Янги Зеландия	0.926
7	Австралия	0.924
8	Ирландия	0.922
9	Дания	0.920
10	Швеция	0.918

Манба: gtmarket.ru

TARIX

Qo'qon xonligining boshqaruv tizimi va harbiy mansablari

Qo'qon xonligi tarixi masalalari bo'yicha turli davrlarda tadqiqot olib borgan tarixchi olimlar ushbu davlatning chegarasi va ma'muriy-hududiy bo'linishi xususida ham qisman to'xtalib o'tganlar. Qariyb ikki asr hayot surgan Qo'qon xonligi murakkab va ziddiyatli siyosiy jarayonlarni boshdan kechirdi.

Qo'qon xonligining dastlabki tashkil topgan davridagi hududi hokimiyatni boshqargan turli salohiyatli, uzoqni ko'zlagan hukmdorlarning harakatlari natijasida kengayib bordi. Zero, davlat hududi va unda yashagan aholi uning mavjudligini ko'rsatuvchi belgilardan hisoblanadi. Davlat tashkil topgan dastlabki davrlaridanoq moddiy, tabiiy xomashyo manbai bo'lgan hududini kengaytirish va boshqarishni tashkil etishga katta e'tibor qaratiladi. Qo'qon xonligi davlatchiligi ham bunga katta e'tibor berildi. Ma'lumotlarga ko'ra, ming urug'ining boshlig'i Shohruxbiy ibn Ashur Muhammad Chodak xo'jalari qo'lida bo'lgan siyosiy hokimiyatni kuch bilan tortib olib, Farg'ona vodiysidagi minglar sulolasi hukmronligiga asos soladi. Ammo uning hokimiyati hali Ashtarxoniylardan batamom mustaqil emas edi. Chunki manbalarda Shohruxbiyning nomi ashtarxoniy Abulfayzxonidan so'ng tilga olinib, Shohruxbiyga Buxoro xoni tomonidan otaliq unvoni berilgani eslatiladi. Bu haqda tadqiqotchilarning ham fikrlari munozaralidir.

Nima bo'lganda ham, Shohruxbiy Buxoro xonligidan mustaqil ravishda (*nisbatan bo'lsa ham*) siyosat olib borishga harakat qilib, minglar sulolasi tasarrufidagi yerlarni kengaytirish boshlaydi. Shohruxbiy hukmronligi davrida Qo'qon, Namangan, Marg'ilon, Konibodom, Isfara va ularning atroflaridagi qishloqlar minglar sulolasi qo'lida bo'lgan. Qo'qon xonligi vujudga kelishi hukmdorlarning o'ziga yarasha mardonavor kurashi natijasida o'z mustaqilligini mustahkamlab oldi. Mustaqillikka erishgandan so'ng, davlat boshqaruv ishlariga katta e'tibor qaratdi, chunki bu juda muhim edi. Ichki tartibni mustahkamlamay turib, tashqi dushmanga qarshi kurasholmas edi. Davlatni idora qilish uchun ma'muriy va mahalliy boshqaruvda katta islohotlar o'tkazdilar. Qo'qon xonligi beklilik, ba'zan viloyat va sarkorlik sifatida tilga olingan ma'muriy-hududiy qismlarga bo'lingan hamda ularni xon tomonidan tayinlanadigan beklar, hokimlar va sarkorlar boshqargan. Ayrim manbalar Qo'qon xonligidagi 15 ta beklilikning nomini keltiradi. Bular: Qo'qon va

uning atrofi, Marg'ilon, Shahrixon, Andijon, Namangan, So'x, Mahram, Buloqboshi, Aravon, Baliqchi, Chortoq, Navkat, Koson, Chust va Bobodaxxon. "Turkestanskiye vedomosti" (1876, №13) to'plamida esa Asaka, Marg'ilon, Baliqchi, O'sh, So'x, Koson va O'zgan sarkorlik sifatida ham tilga olinadi. Hokimlar va hududiy bo'linma boshliqlari xon oila a'zolari, unga yaqin guruhlar, yuqori tabaqa vakillari hamda yetakchi qabilalar sardorlari orasidan tayinlangan.

Misol uchun, Xudoyorxon davrida yettita beklilik xonning o'g'illari va yaqin qarindoshlari tomonidan boshqarilgan. O'z navbatida hokimlar viloyat hududlarini o'zlarining farzandlari va qarindoshlariga bo'lib berganlar. Qo'qon xonligining ma'muriy-hududiy boshqaruv tizimida bek (*hokim, voliy*) va uning o'rdasi alohida o'rin egallagan. Xon tomonidan tayinlangan hokim va qozi ko'plab vakolatlarga ega bo'lgan.

Bek o'rdasida ham xon saroyidagidek yuzlab amal va unvonlar joriy etilgan bo'lib, ular mahalliy aholidan yig'iladigan soliq hamda to'lovlar hisobidan kun kechirishgan. Beklar xonning itoatkor vassallari bo'lib, mamlakatni idora etishda uni qo'llab-quvvatlashlari, zarur bo'lganda yordam berishlari, hurmat-izzatini joyiga qo'yishlari, kerakli vaqtda o'z qo'shinlari bilan harbiy yurishlarda ishtirok etishlari va sovg'a-salomlar yuborib turishlari lozim bo'lgan. Qo'qon xonligida Qo'qon, Toshkent, Andijon, Namangan, Marg'ilon, Chimkent, Jizzax, O'sh, Xo'jand, O'ratepa kabi aholisining soni jihatidan katta, hunarmandchilik va savdo rivojlangan, mamlakat ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayotida muhim ahamiyatga ega bo'lgan o'nlab shaharlar mavjud bo'lgan.

Xonlikning poytaxti Qo'qon shahri bo'lib, u mamlakatning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy markazi edi. Xonlikning chegara hududlarini bir necha qal'a va istehkomlar muhofaza qilgan. Ular jumlasiga Oqmasjid, Avliyoota, Pishpak, To'qmoq, Qurtka, Niyozbek, Mahram kabilarni kiritish mumkin. Chu vodiysi bo'ylab bunyod etilgan istehkomlar esa nafaqat chegara muhofazasi uchun, balki ularning atrofidagi shahar va qishloqlarni itoatda ushlab turish uchun ham xizmat qilgan. Ushbu shahar va qal'alarda harbiy qism hamda ularga boshliq bo'lgan botirboshilar bo'lgan. Qo'qon xonligining markaziy boshqaruv tizimi Buxoro va Xiva

xonliklari boshqaruv tizimiga nisbatan kam o'rganilgan. Qo'qon tarixining u yoki bu masalalariga doir tadqiqotlarda xonlik boshqaruv tizimi to'liq aks ettirilmagan. Biroq ularda xonlik boshqaruv tizimi to'liq aks ettirilmagan. Xonlikning boshqaruv tizimi va unda faoliyat yuritgan mansablar va mansabdorlar to'g'risida o'sha davrda yaratilgan manbalarda keltirilgan. Bu ma'lumotlarni qiyosiy o'rganish, tahlil etish va umumlashtirish orqali mazkur masalaga oydinlik kiritish mumkin. Qo'qon xonligida davlatning ma'muriy boshqaruv tizimida muhim mansablarni egallagan amaldorlarni ikki toifaga bo'lish mumkin. Bular dunyoviy hamda diniy amallar egalari bo'lib, dunyoviy ishlarga mas'ul amaldorlar umaro, diniy vazifadagilar ulamo deb yuritilgan. Shuning uchun ham manbalarda davlatning ma'muriy boshqaruv tizimida umaro va ulamo atamalari ko'p uchraydi.

Muhammad Hakimxon to'ra "Muntaxab ut-Tavorix" asarida xonlik markaziy boshqaruvida beshta vazir bo'lganligini, bu vazirlar XIX asrning o'ninchi yillariga qadar boshqaruv tizimida faoliyat ko'rsatib, davlatning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy hayotida islohotlarni amalga oshirishga mas'ul bo'lganligini, vazirlardan biri devonbegi edi, deb qayd etadi. Mazkur ma'lumotdan davlatning markaziy boshqaruv tizimida beshta asosiy vazir bo'lganligi va ulardan biri devonbegi mansabini egallaganligi ma'lum bo'ladi. Xonlik markaziy boshqaruv tizimidagi besh vazirdan yana biri qushbegi bo'lib, bu xususda ham "Muntaxab ut-Tavorix" asarida ma'lumot beriladi. Fikrimizcha, uchinchi vazir inoq unvoniga ega bo'lgan mansabdor bo'lsa kerak. Olimxon 1806-yilning may oyida O'ratepaga qilgan harbiy yurishida g'alabaga erishib, mazkur viloyatga Qadam inoqni hokim etib tayinlaydi. Hukmdorlar markaziy boshqaruvga yuqori mavqedagi va o'ziga yaqin mansabdorlarni viloyatlarga hokim etib tayinlagan. "Muntaxab ut-Tavorix" asarida Qo'qon xonlari Olimxon, Umarxon va Muhammad Alixon hukmronlik qilgan davr kengroq yoritilgan va xonlik markaziy boshqaruviga oid bir qancha ma'lumotlar keltirilgan. Bu ma'lumotlarga ko'ra, davlat boshqaruvidagi turli mansab va amallarga oliy hukmdorning buyrug'i

bilan turli amaldorlar tayinlangan. Buni asar muallifi 1815-yilda Umarxon bir necha shaxslarni sadr, devonbegi, mirzaboshi, qushbegi, parvonachi etib tayinlaganligini keltirib o'tgan. Bular haqida Qo'qon xonligining markaziy boshqaruv tizimidagi mansabdorlarning faoliyatini o'rganish orqali oydinlik kiritish mumkin.

Manbalar ma'lumotlariga ko'ra, xon saroyida mingboshi boshchilik qiladigan kengash tuzilgan bo'lib, bu kengash saroydagi davlat ahamiyatiga molik muhim ishlarni ko'rib chiqqan. Dasturxonchi, risolachi va boshqa muhim amaldorlar a'zo bo'lgan ushbu kengash davlat boshqaruvida muhim ahamiyatga ega edi. Qo'qon xonligida asosan Olimxon, Umarxon va Muhammad Alixonlar davrida (1798 – 1842) davlat boshqaruvi ancha barqaror hamda nisbatan tinch rivojlangan.

Harbiy maqsadga ko'ra, qal'abon vazifasiga dodxohdan qushbegigacha bo'lgan shaxslar tayinlangan. Qo'rboshi – qo'rxona, ya'ni aslahaxona boshlig'i. Bu mansab egasi xon va mingboshiga itoat etgan. Qo'rboshi qo'rxona, miltiqxona, to'pxonalarga boshchilik qilib, xomashyo topib kelishdan tortib, to tayyor mahsulot ishlab chiqarish va ularni xon qaroriga binoan tarqatib berish jarayoniga javobgar bo'lgan. Yofar – soqchilar boshlig'i. Bu mansab egasining guruhi yuz nafar askardan iborat bo'lgan. Yofar o'z guruhining hisob-kitobi, yillik xarajatini askarlari uchun xazinadan olib bergan. Manbalarda yofarlar g'allagir (*g'alla oluvchi*), javgir (*bug'doy oluvchi*) va sarpo oluvchi sifatida ham qayd etilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Qo'qon xonligi boshqaruvi monarxiya edi. Asosiy hal qiluvchi qarorni hukmdor chiqarardi. Boshqaruvda xon o'ziga yaqin kishilarni hamda davlat oldida xizmat ko'rsatgan shaxslarni yuqori lavozimga tayinlagan. Davlatchiligimiz tarixida muhim o'rin tutgan Qo'qon xonligi ma'muriy va siyosiy boshqaruv tizimining o'ziga xos tomonlari bilan qo'shni xonliklardan farq qilgan. Buni shundan ham bilish mumkinki, Qo'qon xonligida ma'muriy boshqaruv tizimidagi mansablar turli xonlar davrida o'zgarib turgan yoki yangi mansab bilan almashtirilgan.

Z. BOZOROV

MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI «VATANPARVAR» TASHKILOTLARIDA

Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, истиқболи учун ҳақиқий ватанпарвар, фидокор ёш авлодни тарбиялаш ҳамда ёшлар ва фуқароларни меҳнатга, она Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш борасида жойларда бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Гулистон шаҳар ўқув-спорт техника клубида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

БАҲАМЖИҲАТЛИК,

АҲИЛЛИК – ФАОЛИЯТИМИЗ

МЕЗОНИ

Ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) томонидан эришилаётган ижобий кўрсаткичларнинг яна бир илдизи даргоҳнинг мустаҳкам, намунавий ташкилий-техник базага эгаллидир. Чунки ЎСТК синфхоналари, амалий машғулотлар олиб бориладиган автодром кўргазмали жиҳозлар билан таъминланган.

– Баҳамжиҳатлик, аҳиллик билан кўрсатаётган фаолиятимиз ёшларимизнинг етук инсонлар сифатида камол топишларига муносиб замин яратмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Маҳмуджон Шеркулов. – Айниқса, бўлажак ҳайдовчиларнинг самарали таълим-тарбия олишлари борасида амалга оширилаётган ишларимиз



қанча ютуқларга эришиб, нуфузли мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.


Шунингдек, бугунги кунда ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш борасида ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Бу борада шаҳар ҳокимлиги, мудофаа, халқ таълими, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимлари, ҳарбий қисмлар ҳамда бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Гулистон шаҳрида жойлашган таълим муассасалари ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга ҳарбий-ватанпарварлик ва ёшлар билан ишлаш йўналишида 11 марта,

туфайли ташкилотимизнинг ташкилий-техник салоҳияти янада ошиб, равнақи тобора юксалиб бормоқда.

Айни пайтда ЎСТКда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, турли тўғарақлар ишини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун клуб қошида ҳаво милтиғидан ўқотиш, картинг каби спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ушбу спорт турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ташкил этилмоқда. Натижада спортчиларимиз бир

аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида йўл-ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш борасида 13 мартаба тадбир ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди. Унда 967 нафар ёшлар иштироки таъминланди.

Айни пайтда шаҳар ЎСТКда номзодлар «В», «ВС», «Е» тоифали ҳайдовчилик курсларида таълим олмақдалар. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ташкилотда 625 нафар ҳайдовчи



мутахассис тайёрланди. «Ёшлар дафтари»га киритилган 26 нафар ҳайдовчиликка номзод биринчи босқичда «ВС» тоифа бўйича ўқи-моқда. Эндиликда иккинчи босқич ўқув курсларида ҳам машғулотлар бошлаб юборилди.

Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тақвимий режага асосан спорт мусобақаларини ташкил этиш муҳим жараёнлардан биридир. Шу боис ҳам ЎСТК жамоаси шаҳардаги барча ҳамкор ташкилотлар билан бирга-

ликда бугунги кун шароитидан келиб чиққан ҳолда турли тадбирларни ўтказишмоқда. «Ёшлар дафтари»га киритилган номзодлар ўртасида ўтказилган ҳаво милтиғидан ўқотиш мусобақасида иштирок этган ЎСТК аъзоси Абдужавлон Сувонов вилоят босқичида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Юқоридаги ишлар Гулистон шаҳар ЎСТК фаолиятдан айримлари, холос. Ташкилот жамоасининг фидокорона, заҳматли меҳнати боис бу каби ишлар ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан кучайиши, ортиб боравериши шубҳасиз.

Акбар АЛИ

Фурсатдан фойдаланиб, Гулистон шаҳар ўқув-спорт техника клуби жамоаси шаҳарда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС» ҳамда «Е» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари – «Ҳаво милтиғидан ўқотиш», «Картинг» каби тўғарақларда шуғулланишга таклиф этади.



Гулистон шаҳар «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини, «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув биноси.

95 510-18-67; 94 160-33-77

Хизматлар лицензияланган.

HARBIY TEXNIKA

НАТО

СТАНДАРТЛАРИГА МОС



Грузия Қуролли Кучларига қарашли GG-122 типдаги 122 мм.ли бараварига ўт очувчи реактив тизим маҳаллий «Дельта» давлат ҳарбий-илмий техника маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур жанговар восита душманнинг жонли кучлари, зирҳли техникаси, артиллерия тўплари ва оператив-тактик ракеталари жойлашган позициялари, қўмондонлик пунктлари ва мудофаа иншоотларини яқсон қилиш учун мўлжалланган.

Реактив тизимнинг Украинада ишлаб чиқарилган КрАЗ-63221 автомобили (ғилдираклар формуласи 6 x 6) шассисига ўрнатилган артиллерия қисми бошқарилмайдиган ракета снарядлари учун мўлжалланган 40 та йўналтиргичдан иборат пакет билан таъминланган. Отиш масофаси 40 км.гача. Олти кишидан иборат экипаж учун мўлжалланган кабина тўрт эшикли, зирҳ асосида тўлиқ пайвандланган (НАТОнинг STANAG 4569 стандарти бўйича 2-ҳимоя даражасига мос). GG-122 нинг жанговар оғирлиги 20 тонна, унга ўрнатилган дизель двигателининг қуввати 330 от кучига тенг, шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 80 км, ёқилғи бўйича юриш захираси 500 км. Ўт очишни бошқариш кабинадан ёки ташқаридан пулт орқали амалга оширилиши мумкин.

МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ
САМОЛЁТ

Американский воздушный узел связи и ретранслятор E-11A системы BACN (Battlefield Airborne Communication Node) разработан на базе самолёта BD-700 «Глобал Экспресс».



Он предназначен для повышения эффективности боевого применения частей и подразделений оперативно-тактического звена, оперативности доведения разведывательных данных и команд боевого управления до потребителей на театре военных действий (ТВД). Бортовой программно-аппаратный комплекс позволяет решать следующие основные задачи: обеспечение УКВ-радиосвязью абонентов в зоне диаметром до 300 км в условиях сложного рельефа местности; сбор и распределение разведанных на ТВД, формирование баз данных о силах и средствах (своих и противника); обеспечение удаленного доступа к информационным сетям министерства обороны США и базам данных автоматизированных систем управления армейского корпуса; координация огневой и авиационной поддержки. Основные ТТХ самолета: экипаж 2-3 человека, крейсерская скорость 900 км/ч, максимальная дальность полета 11 000 км, максимальная продолжительность полета 12 часов, время патрулирования в заданном районе 8 часов, практический потолок 15 500 м. Длина машины 30,3 м, высота 7,57 м, размах крыла 28,6 м.

КОНВЕРТОПЛАН

СХЕМАСИ

БЎЙИЧА

Американинг «Белл геликоптер» компанияси мутахассислари V-247 «Вижилант» деб номланган кўп мақсадли учувчисиз учиш апаратини яратиш устидаги ишларни давом эттирмоқда.



Унинг дастлабки тўлиқ ўлчамли макети биринчи бор АҚШда «Модерн дэй марин» номи кўргазмада намоиш этилган эди. Истиқболли аппарат конвертоплан схемаси бўйича тайёрланган, бу ундан авиаташувчи кемаларда фойдаланиш имкониятларини янада оширади. «Вижилант» оғирлиги 5 900 кг.гача бўлган фойдали юклангани олиб учишга қодир, горизонтал равишда максимал учиш тезлиги соатига 560 км, максимал кўтарилиш оғирлиги 13 000 кг, жанговар ҳаракатланиш радиуси 830 км, парвоз давомийлиги (270 кг фойдали юкланма билан) 11-15 соат, қанот кўлами 20 метрни ташкил этади. Парвоз давомийлигини янада ошириш учун аппаратга «шланг-конус» типдаги ҳавода қўшимча ёқилғи қуйиш тизими ўрнатилган. Тўртта илгич нуктасига Mk 50 типдаги енгил ракеталар, AGM-114 «Хеллфайр» ва JAGM типдаги бошқарилувчи ракеталар, тасвирий ва радиолокацион разведка воситалари, радиоэлектрон кураш тизимлари, шунингдек, қўшимча ёқилғи баклари ўрнатилиши кўзда тутилган.

ДЛЯ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ

БПЛА



Австралийская компания «Дроншилд» представила новую модель переносного средства радиоэлектронного противодействия беспилотным летательным аппаратам «Дронган» Mk 3.

Основной особенностью «пистолета» является его компактность и возможность для оператора управлять им одной рукой. «Дронган» предназначен для пресечения противоправного проникновения беспилотного летательного аппарата в охраняемое пространство путем прерывания работы каналов управления, передачи данных и навигации аппарата на дистанции до 500 метров. БПЛА либо прекращает движение по маршруту, либо возвращается к исходной точке полета. Устройство работает от литий-ионного аккумулятора (напряжение 10,8 В), обеспечивающего время работы в активном режиме до 1 часа и в режиме ожидания до 8 часов. Время включения 3 секунды, диапазон рабочих температур от -20 до +55 °С.

Масса пистолета «Дронган» 1,95 кг, длина 629 мм, высота 393 мм, ширина 209 мм. В комплект поставки входит полимерный кофр.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ҚОЛИШ УЧУН САБАБ ЙЎҚ



АҚШ Афғонистонга ўз қўшинларини янги давлат қуриш учун эмас, балки бу мамлакатда 11 сентябрь воқеалари учун жавобгар шахслар борлиги сабабли киритган эди, деди Президент Жо Байден қўшинларни олиб чиқиб кетишга бағишланган матбуот анжуманида. 20 йил ўтиб, бу мамлакатда қолиш учун ҳеч қандай сабаб кўрмаслигини таъкидлаган Байденнинг сўзларига кўра, ўтган йиллар мобайнида 2 448 нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлган, минглаб аскарлар жароҳатлар, мисли кўрилмаган руҳий касалликлар билан уйлари қайтган.

ЯШИРИН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ



Германия ҳукумати вакиллари Доҳада «Толибон» ҳаракати аъзолари билан яширин учрашув ўтказди, деб хабар беради «Bild» нашри. Таъкидланишича, учрашувда Германиянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Яспер Вик қатнашган. Музокараларда мамлакатдаги немис гуманитар ходимларининг хавфсизлик кафолатлари ва Афғонистондаги халқаро миссия вақтида Бундесвер ва Германия Федерал полициясига ёрдам берган афғонларнинг ҳолати муҳокама қилинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БОШ ВАЗИР ТАЙИНЛАНДИ



Арманистон Президенти Армен Саркисян Никол Пашинянни мамлакат Бош вазири этиб тайинлади. Бу ҳақдаги тегишли ҳужжат давлат раҳбарининг расмий сайтида эълон қилинди. Пашиняннинг номзоди парламентда кўпчиликини ташкил этувчи «Гражданский договор» партияси томонидан илгари сурилган эди. Арманистон Конституциясига мувофиқ, миллий мажлис ваколатларининг янги муддати бошланганида президент парламентдаги кўпчилик таклиф этган номзодни бош вазир этиб тайинлайди.

MUSOBAQA

ХОТИРЖАМЛИК БЎЛМАСА, ЎҚ НИШОНГА ТЕГМАЙДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти кенгаши тизимидаги курсларда таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилганлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича мусобақанинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Қибрай тумани ўқув-спорт техника мактабида бўлиб ўтган мусобақада 19 нафар йигит-қиз иштирок этди.



Қизиқarli ва мурасиз кечган мусобақада йигитлар ўртасида бекободлик Султонбек Алижонов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, қизлар ўртасида янгийўллик София Ҳасановага тенг келадиган рақиб топилмади.



– Бундай мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад, ёшлар, хусусан, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»га киритилганларга имконият ва шарт-шароитлар яратишдан иборат, – дейди «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти Кенгаши раиси Нурбек Отақузиёв. – «Ватанпарвар» ташкилоти ана шу ёшларни касбга ўқитиш бўйича тизимда бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда беғараз ёрдам бериб келмоқда. Бугунги ўқ отиш мусобақасининг вилоят босқичида биз кутганимиздан кўра яхшироқ натижалар қайд этилди. Бундай дейишимнинг боиси, ўқ отиш спорт тури



билан шуғулланадиган инсоннинг кўнглида хотиржамлик бўлмаса, у ҳеч қачон нишонга теккиза олмайди. Мусобақада аксарият йигит-қизларимизнинг нишонни беҳато уришидан билиб олсак бўладики, ёшларимизнинг келажигидан кўнгли хотиржам. Шундай экан, биз ҳамкор ташкилотлар билан ёшларимизнинг ҳар қандай муаммоларига биргаликда, албатта, ечим топамиз.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига диплом, медаль ва эсдалик совғалар топширилди.

Ш. ШАРИПОВ

ТА'ЛИМ

УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАЛАРИ ЎҚУВ ЙИГИНИДА



Фарғона давлат университети Ҳарбий таълим факультети чақириқча ҳарбий таълим йўналишида таҳсил олаётган 3-босқич талабалари билан Шарқий ҳарбий округ «Фарғона» полигонидида ўқув йиғини ўтказилди.



Ҳарбий машғулотларни юқори савияда ташкиллаштириш мақсадида ўқув йиғинини ўтказиш режаси ишлаб чиқилди ва Шарқий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони томонидан тасдиқланди. Талабалар ҳарбий фанлар бўйича олган назарий билимларини дала-ўқув майдонида амалда мустаҳкамлашди ва зарур кўникмаларга эга бўлишди. Машғулотлар давомида жанговар техника, қурол-аслаҳалар ва бошқа воситалар кенг қўлланилди ҳамда талабалар отиш тайёргарлиги фанидан амалий машқларни бажаришди.

Ўқув йиғини якунида ҳарбий тайёргарлик фанларидан белгиланган назоратларни муваффақиятли топширган талабалар «Ватанга қасамёд» қабул қилишди. Барча машғулотлар карантин қоидаларига қаттиқ риоя қилинган ҳолда олиб борилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ўқув йиғинини ўтаган талабалар ўз қасамёдларига содиқ қолиб, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини оширишга ва келажакда умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси сифатида ўсиб келаётган ёш авлодни юртга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшадилар.

Подполковник Ихтиёр САИДОВ,
Фарғона давлат университети
Ҳарбий таълим факультети бошлиғи

HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTIKASI

САВОДХОНЛИК ОШИРИЛДИ

Самарқанд ҳарбий прокуратураси Марказий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги билан ҳамкорликда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кун» муносабати билан Жиззах, Самарқанд ҳамда Навоий гарнизонлари ўртасида онлайн тарзда профилактик тадбир ўтказди.

Жумладан, Марказий ҳарбий округ қўшинларида ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, ҳарбий хизмат ўташнинг хавфсиз шароитларини яратиш, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш борасида ҳарбий прокуратура ходимлари иштирокида терговга қадар текширувни амалга оширишга масъул мансабдор шахслар, ҳарбий қисм ва муассасаларда содир бўлган жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш комиссияси раислари ва аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги оширилди.

Тадбир доирасида ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан 3 та гарнизонда Қуролли Кучлар сафидида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар билан боғлиқ текширув ва суриштирув жараёнларида тўпланган ҳужжатлардаги камчилик ва хатолар хусусида маърузалар қилинди.

Шунингдек, ҳудудларда содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олдини олиш бўйича ўзаро тажриба алмашилди.

Адлия майори Умиджон НИЗАМОВ,
Самарқанд ҳарбий прокурорининг ўринбосари

ЎЗАРО КЕЛИШУВ АСОСИДА



Ўзбекистонлик олимлар Афғонистон ҳудудида топилган «Күшон олтини» хазинасини синчиклаб ўрганишга киришади, деб хабар қилади Sputnik нашри.

Маълумотларга кўра, мазкур топилма инсоният тарихидаги энг йирик ва энг бой олтин буюмлар хазинаси ҳисобланади. 1978 йилда совет – афғон археологик экспедицияси томонидан топилган мазкур хазина таркибидан эрамининг I – IV асрларига доир минглаб олтин буюмлар жой олган. Ўзбекистон ва Афғонистон ҳукуматлари келишувига кўра, мамлакатимиз олимлари ушбу бебаҳо хазинани чуқур ўрганиш имконига эга бўлишди.

ШАХСАН СИНОВДАН ЎТКАЗДИ



Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Болқон вилоятига ташрифи чоғида Италиянинг Alenia компанияси томонидан ишлаб чиқарилган AerMacchi

M-346 типидидаги ҳарбий самолётни шахсан синовдан ўтказган. Бу ҳақда «Хроника Туркменистана» хабар берган. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг май-июнь ойларида Туркменистонга Бразилия ва Италияда ишлаб чиқарилган Embraer A-29B Super Tucano, C-27J NG Spartan ва AerMacchi M-346 типидидаги жанговар, ҳарбий транспорт ва ўқув самолётлари (жами 3 та) етказиб берилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЧЕКЛОВЛАР ЯНА КУЧАЙТИРИЛДИ



Қозоғистонда корона-вирус билан боғлиқ вазият оғирлашгани сабабли мамлакатнинг 6 та йирик шаҳри, шу жумладан пойтахт Нур-Султон, Олмаота, Чимкент, Атирау

ва Қарағандада карантин чоралари яна кучайтирилди. Инфекцияни назорат қилиш бўйича идораларо комиссия маълумотларига кўра, мамлакатдаги кунлик касалланишнинг 65 фоизи ва кунлик ўлимнинг 55 фоизи айнан шу шаҳарларга тўғри келмоқда. Шу вақтга қадар Қозоғистонда 580 379 кишида коронавирус аниқланган, 478 277 бемор касалликдан тузалган, 5 957 киши вафот этган.

MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI «VATANPARVAR» TASHKILOTLARIDA

Яқинда Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўз фаолиятини бошлаганига ўттиз йил тўлади. Таъкидлаш жоизки, ташкилот томонидан ўтган давр мобайнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунинг ташкилотнинг биргина Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Мирзаобод тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

тайёрланди. Аини пайтда бу ерда «В», «ВС», «СЕ», «D» тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Клубнинг етарли миқдордаги шароит ҳамда замонавий русумдаги автомобиллари ва ўқув жиҳозлари билан таъминланганлиги ана шундай муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, ташкилотда турли тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Масалан, шу йилнинг март ойида туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таэквондо ITF бўйича рангли белбоғлар ўртасида туман очиқ биринчилиги, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги ватанпарварлик спорт мусобақалари ҳамда 15 июль кuni ўқ отиш, шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича ҳоким кубоги шулар жумласидандир. Бундай тадбирлардан руҳланган спортчи ёшлар турли мусобақаларда совринли

ўринларни эгалламоқдалар. Биргина жорий йилнинг 30 июнь – 4 июль кунлари Чирчиқ шаҳрида ўтказилган спортнинг велоспорт МТБ тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида Жаҳонгир Қобулов, Виктория Ползунова, Фирдавс Аброров, Даврон Эргашев, Лазиз Равшанов ҳамда Хуршид Равшанов каби мирзаободлик ёшлар шахсий биринчиликда 2- ва 3-ўринларга муносиб топилди.

Бундан ташқари, туман ЎСТК жамоаси томонидан ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ишлари ҳам яхши ташкил этилган. Бунга кўра, 1-босқичда «Ёшлар дафтари»га киритилган 91 нафар ёш «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларида таълим олмақда. Август ойидан 2-босқичда «Техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари» ҳам ташкил этилиб, унда 54 нафар ёш газ-электр пайвандчи ҳамда вулканизатор



– «Ватанпарвар» ташкилоти аъзолари бўлган ёшларимиз туман, вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Ильдар Ҳусаинов. – Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ҳамда муассасамиз ташкил этилганлигининг 30 йиллиги доирасида ўтказилаётган турли маънавий ва маърифий тадбирлар ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ёш ватанпарварлар спортнинг ҳаво милтиғидан ўқ отиш, дуатлон ҳамда триатлон каби муҳим турлари бўйича юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Хўжалик ҳисоби асосида иш юритаётган ташкилотда жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида катта самарадорликка, хусусан, халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун ҳайдовчи мутахассислар тайёрлаш ишлари борасида ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Натижада 500 нафарга яқин оммавий касб ходими



мутахассисликлари бўйича ўқитилиши йўлга қўйилди. Бунинг учун керакли ўқув ва лаборатория хоналари ташкил этилди.

Яна бир муҳим эътироф, яқинда туман ўқув-спорт техника клуби ва Миллий гвардия вилоят бошқармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шу муносабат билан Гулистон шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида ҳарбий хизматчилар билан учрашув ўтказилди. Тадбирда имзоланган меморандумга асосан эндиликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ихтиёрий равишда «Ватанпарвар» ташкилоти тизимидаги автотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ҳамда «Техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари»да ўқиш имкониятига эга бўлишлари тушунтирилди ва рўйхатлар шакллантирилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Мирзаободга йўлингиз тушса, эзгу мақсад йўлида фидокорона фаолият кўрсатиб келаётган туман ўқув-спорт техника клуби жамоаси фаолиятдан хурсанд бўлишингиз аниқ.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

BOLA



JON



OLIMNING AQLLI TADBIRI

(rivoyat)

Abu Rayhon Beruniy vaqtning bir qismini tog'larda ma'danlar qidirib topish, ularni o'rganish bilan o'tkazar ekan. Kunlardan bir kuni saroy olimlaridan bir nechtasi allomaning tog' safariga hamroh bo'lishibdi. Beruniy ma'dan qidirib yurib, bir toshni ko'rib qolibdi. Sinchiklab qarasa, tosh bu yerda juda ko'p oltin borligini anglatib turgan emish. Shunda Beruniy o'ylanib qoladi, agar hamrohlariga bu yerda oltin borligini aytsa, ular bir-birlari bilan oltin talashib, janjal qilishlari mumkin. "Yaxshisi, bu yerdan tezroq ketaylik", deb ko'nglidan o'tkazibdi-da, ularga qarab:

– Bu joy xosiyatsizga o'xshaydi, men noxushlikni sezib turibman. Tezda ketaylik, – debdi.

– Nega endi, biron-bir sir ko'rdingizmi? Nima uchun anavi toshga uzoq tikilib turdingiz-da, birdan tashvishga tushib qoldingiz? – shubhalanib so'rashibdi hamrohlari.

– Ha, tez ketmasak bo'lmaydi. Bekordan bekorga nobud bo'lmaylik tag'in. Men

ko'rgan tosh odatda zilzila oldidan ko'chadigan tog' ko'chkisiga o'xshaydi. Zilzila bo'lsa, bu tog'lar bir-biriga urilib, shunday ko'chki bo'ladiki, birortamiz ham omon qolmaymiz. Shuning uchun bu yerdan tezroq ketaylik, – deb Beruniy u yerdan tez ketibdi. «Ulug' olim bir narsani bildiki, shunday deyapti», deb boshqalar ham jo'nab qolibdi.

Shunday qilib, olim ochko'z kishilarni tilla talashib, bir-birlarining umriga zomin bo'lishiga yo'l qo'ymagan ekan.

Alloma nuqul: "Ilm bilan davlat hech ham kelisha olmaydi, kimda-kim ilmni boyish manbayi qilib olsa, u uzoqqa bormaydi, yarim yo'lda qolib ketadi", der ekan.



**8 TA FARQNI
TOPING!**



BOBOJONIM BUVIJON

Bobojonim, buvijon,
Mehribonsiz har qachon.
Sevasiz bizni jondan,
Bag'ringiz misli bo'ston.

Ertaklaringiz a'lo,
O'gitlaringiz ziyo.
Kamolimizni tilab,
Har on qilasiz duo.
Kulib yurasiz doim,
So'zlaringiz muloyim.
Sizni yaxshi ko'ramiz,
Bobojon, buvijonim.



Gulnur ANVAROVA,
Farg'ona viloyati O'zbekiston tumani
17-umumta'lim maktabining 3-sinf o'quvchisi.

**TENG DOSH LARINGIZ
IJODIDAN**



Shodiyaxon YUSUPJONOVA,
Toshkent shahri Mirzo Ulug'bek tumani
241-umumta'lim maktabining 2-"B" sinf o'quvchisi

YODNOMA

Anvar OBIDJON

ERKIN VOHIDOV
MUTOYIBALARI

Suyukli ustozimiz, atoqli adibimiz Erkin Vohidov o'zining chuqur falsafalarga boy she'rlari, mutafakkirona xususiyatlari bilangina emas, o'ta samimiy, o'ta topqirona mutoyibalari bilan ham muxlislar qalбини zabt etib kelgan. Shularni eslar ekanmiz, Erkin aka, doimo yodimizdasiz, yonimizdasiz, degimiz kelaveradi.

O'SHA TANISH QOROVUL

Toshkentga endigina ishga kelgan paytlarim edi. Birovnikida ijarada turardim.

Oylik ta'tilga chiqqan Erkin aka butun oilasi bilan Issiqko'lda dam olib kelishga jo'nadi, men uyni qo'riqlab turadigan bo'ldim. Tirikchiligim uchun sovutkichga to'ldirib tashlangan xilma-xil noz-ne'matlarning yarmini yeb ulgurmasimdan ular sayohatdan qaytib kelishdi.

Bir-ikki oydan keyin ustozni ziyoratlab borsam, hali maktab yoshiga yetmagan kenjatoyi Fozilaxon men bilan juda bo'lakcha quvonib ko'rishdi.

- Bu qizimning sevinchi ichiga sig'may turibdi hozir, - deya yelka uchirib kuldi Erkin aka. - Sizni uzoqdan ko'riboq, menga qarab: "Dada, yana Issiqko'lga boramizmi?" deb so'radi.

TINIB-TINCHIMAGAN IT

Ardoqli shoirimiz Erkin Vohidov o'tkir-o'tkir asarlarining orqasidan eski tuzumning tazyiqlariga uchragani, necha-necha tanqidlarga duchor bo'lgani ko'pchilikka ma'lum. U kishi bunday g'ala-g'ovurlarga parvo qilmayotgandek bo'lib yursa-da, yuragiga ma'lum darajada jarohat yetganini ba'zi bir so'zlaridan payqab olish qiyin emasdi.

Ijodiy safarlardan birida ustoz bilan bitta xonada tunaydigan bo'ldik. Vaqt yarim kechadan og'ib boryaptiki, tashqarida bir ko'ppak tinimsiz vovullayverdi. Shunda Erkin aka bosiq tovushda asta so'z qotdi:

- Qiziq! Bu halovatsiz it qaysi arslonning kitobini tanqid qilyaptiykin?!

EHTIROM IFODASI

Farg'onadagi anjumandan qaytayotib, Oltiariqdan o'tayotganimizda, mashinani chetga oldirib, Erkin akani yo'l yoqasidagi oshxonaga boshladim:

- Oltiariqqa kelganlar bu yerning mashhur somsasini yemasdan ketmaydi. Keling, shundan ikkita-ikkita tatib ko'raylik.

Oshxona birdan bayramga aylanib ketdi. Xo'randalar birma-bir kelib, suyuklidan suyukli shoiri bilan quchoqlashib ko'rishishga tutindi. Hatto bolalar derazadan mo'ralab, somsa yeyishimizni tomosha qila boshlashdi. Shunday mashhur odam ham ovqat yer ekan-da, deb o'ylashgani aniq.

Qo'zg'alayotib, pul bersak, somsapaz olmasdan turvoldi. Bundan, Erkin akaning yana hazilkashligi qo'zidi:

- Shuni oldinroq aytmaysizmi, ukajon? Bilganimizda, somsani ikkitadanmas, to'rttadan buyurardik.

ERKAKCHILIK

Nashriyotdagi bir xodimimizning to'yiga bordik. O'tirish uzoqqa cho'zildi. Sheriklarimizdan biri bezovtalanib, men uyga bormasam bo'lmaydi, xotinim betobroq, deb joyidan qo'zg'aldi. U chiqib ketgach, boshqa sherigimiz Erkin akaga o'girilib hiringladi:

- Yolg'ondan bahona qildi, uyga kech borishga xotindan qo'rqadi. Erkak degani, mana, bizdaqa bo'lishi kerak, "gah" desak, xotin ship etib qo'lga qo'nadi.

- Gapingizga to'liq ishonaman, - deb miyig'ida jilmaydi Erkin aka. - Xotinni mensimasligingizni tunov kuni oshxonada ovqatlanganimizda, ofitsiant qizga pulni paypog'ingizning ichidan olib berganingizdayoq fahmlagan edim.

BIR CHIMDIM

Nodon baxtni uzoqdan izlaydi, oqil esa uni o'z yonida bunyod qiladi.

Jeyms OPPENXEYM

BILASIZMI?

Antarktidadagi muz qatlamlari yerdagi barcha chuchuk suvlarning taxminan 80 foizini tashkil qiladi. Agar muzlar eriydigan bo'lsa, jahon okeanining balandligi 60 metrga ko'tarilgan bo'lardi.

Insoniyat sivilizatsiyasi boshlangandan buyon yerdagi daraxtlar soni deyarli ikki baravar kamaydi. Inson faoliyati natijasida har yili 15 milliard daraxt yo'qotilmoqda.

So'nggi qirq yil ichida yovvoyi hayvonlar soni ikki baravarga kamaydi.

2011-yilning 31-oktabrida dunyo aholisi 7 milliardga yetdi. BMT hisob-kitobiga ko'ra, 2050-yilga kelib dunyo aholisi 9,2 milliardga yetadi.



SHU SONNING
ELEKTRON
SHAKLI

KELGUSI SONLARDA:

Olimpiada
o'yinlari tahlili

MASALANING MOHIYATI


Erkin aka deputatlik paytida tegishli tumandagi saylovchilar bilan yig'ilish o'tkazdi.

- Sizga bir arzimizni aytmoqchiman, - deb qoldi saylovchilardan biri. - Qo'shni mahallada artizon suvi bor, bizda yo'q. To'rt yuz metrgina quvur tortilsa, ish bitadi-qoladi, lekin sho'rolar davridan beri shu masala hal bo'lmay turibdi.

Shunda Erkin aka kulimsirab mutoyiba qildi:

- O'sha to'rt yuz metr quvur muammosini o'zimiz hal qila qolaylik, deb yurtimiz ataylab mustaqil bo'ldi. Bu ishni mana endi bitiramiz-da!

Ko'p o'tmay, bu yumush bitdi.



VATANPARVAR

Muassis



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Bosh muharrir:

mayor
Ahror Ochilov

Navbatchi:

kapitan
Aziz Norqulov

Sahifalovchilar:

Begali Eshonqulov
Dilnoza Melikuziyeva

Musahhihlar:

Zebo Sariyeva
Sayyora Meliqo'ziyeva
Sayyora Mirzayeva

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 269-88-91
faks: 71 260-32-29

ISSN 2010-5541

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti - «Vatanparvar» Birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma: Γ-805
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 30 073 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning
24-iyunidan chiqa boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.